

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**44-сон**  
**(128)**  
**2004 й.**  
**ноябрь**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Учинчи бўлим*

459. «Биология ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги 508-сон қарори
460. «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сон қарори [Кўчирма]
461. «Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланилишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 512-сон қарори
462. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 ноябрдаги 518-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

463. «Ўзбекистон Республикасида кабель, эфир-кабель телевидениеси тўғрисида вақ-

- тинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2004 йил 29 октябрдаги 01-1026, 350-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 30 октябрда 1420-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
464. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 15 октябрдаги 112, 116-В-3-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 1 ноябрда 612-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
465. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва гуруч-шолига Жамғарма томонидан аванс бериш ва ҳисоб-китоб қилиш учун ажратиладиган маблағларни қайтариш учун дон маҳсулотлари корхоналарининг ғалла, ун ва гуруч-шолени сотишдан тушаётган маблағларини аккумуляция қилиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 15 октябрдаги 113, 111-В-4-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 1 ноябрда 653-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
466. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси маблағлари ҳисобидан ғалла ва гуруч-шолига аванс беришда аванс тўловларини амалга ошириш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 15 октябрдаги 114, 114-В-3-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 1 ноябрда 656-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
467. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси маблағлари ҳисобидан ғалла ва гуруч-шоли учун якуний ҳисоб-китобларда тўловларни амалга ошириш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 15 октябрдаги 115, 115-В-3-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 1 ноябрда 657-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
468. «Сайёҳларнинг Ўзбекистон Республикасига келиши ва кетиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг 2004 йил 13 сентябрдаги 23-сон, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг 2004 йил 29 октябрдаги 9/1005-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2004 йил 27 сентябрдаги 7-сон, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2004 йил 19 сентябрдаги 1/5/4-622-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 3 ноябрда 1421-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 30 октябрдан 5 ноябргача бўлган маълумот

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **459** Биология ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида

Ўзбекистоннинг хайвонот ва ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирларини кучайтириш ҳамда улардан фойдаланиш, уларни республикага олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш ҳамда овчилик-балиқ овлаш хўжалигини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланганлик учун тўловлар сифатида тушган маблағларни, жарима суммалари ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлардан етказилган зарар учун ундирилган суммаларни тақсимлаш тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ва баъзиларига ўзгартиришлар киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 28 октябрь,  
508-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 28 октябрдаги 508-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни  
Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига  
олиб чиқиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш тартибини белгилайди.

Давлат ўрмон фондидаги ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш хусусиятлари бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

2. Қуйидагилар ўсимлик дунёси объектлари ҳисобланади:

ёввойи ҳолда ўсувчи организмлар — дарахтлар, буталар ва ўтсимон уруғлайдиган ўсимликлар, қирққулоқсимонлар, йўсинсимонлар, сувўтлар, лишайниклар ва замбуруғлар ўзининг барча хилма-хил турлари билан;

ёввойи организмлардан ташкил топадиган табиий ўсимлик гуруҳлари ёки уларнинг ҳар қандай мажмуи;

камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турлари;

ёввойи ўсимликларнинг мевалари, уруғлари ва бошқа қисмлари ёки уларнинг ўсиш давридаги маҳсуллари.

3. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш қуйидаги турларда амалга оширилиши мумкин:

а) чорвачилик эҳтиёжлари учун ёввойи ҳолда ўсувчи озуқа маҳсулотларини ғамлаш;

б) чорва молларини ўтлатиш;

в) ўсимлик дунёси объектларидан овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

г) ёввойи ўсимликларнинг техник хом ашёсини ғамлаш;

д) ёввойи ўсимликларнинг доривор хом ашёсини ғамлаш (йиғиш);

е) ёввойи ўсимликларни озиқ-овқат мақсадлари учун ғамлаш (йиғиш);

ж) дарахт ва буталарни кесиш;

з) ўсимлик дунёси объектларидан илмий-тадқиқот мақсадларида фойдаланиш;

и) ўсимлик дунёси объектларидан маданий-маърифий, тарбия, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда фойдаланиш;

к) ўсимлик дунёси объектларидан табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида фойдаланиш;

л) ўсимлик дунёси объектларидан коллекциялаш мақсадларида фойдаланиш.

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа турларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

**II. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш**

4. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш умумий ва махсус бўлиши мумкин.

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

5. Ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш мазкур Низомнинг 3-банди «г», «е», «з», «и», «л» кичик бандларида назарда тутилган турларида ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

6. Ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар билан келишув бўйича фойдаланувчининг ҳаётий зарур эҳтиёжлари билан чекланган миқдорларда текин амалга оширилади. Умумий фойдаланиш нормаси ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан келишув бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади.

7. Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш мазкур Низомга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тўлов эвазига, рухсатномалар бўйича амалга оширилади.

Чорвачилик эҳтиёжлари ва чорва молларини ўтлатиш учун ёввойи озуқа маҳсулотларини ғамлашга рухсатнома берилганлиги учун тўлов миқдори маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади.

8. Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш белгиланган нормативлар доирасида амалга оширилади.

Доривор ва озик-овқат ўсимликларининг ёввойи турларини ва ёввойи ўсимликлар техник хом ашёсини ғамлашга квоталар ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Пичан ўриш ҳамда табиий пичанзорлар ва яйловларда чорва молларини ўтлатиш нормалари ва муддатлари тегишли қишлоқ ва сув, шунингдек ўрмон хўжалиги давлат органларининг тақдимномаси бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Ўрмон фондида кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесишга фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан келишув бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра бинолар, иншоотлар ва коммуникациялар қурилиши билан боғлиқ санитария кесишлари тартибида йўл қўйилади.

Тасдиқланган квоталар, шунингдек пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш нормалари ва муддатлари табиатни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий қўмиталарга, шунингдек ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчиларга етказилади.

### **III. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишга рухсатномалар бериш тартиби**

9. Махсус фойдаланишга рухсатнома:

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турларини табиий муҳитдан олишга рухсатнома — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

давлат ўрмон фонди ҳудудида ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишга рухсатнома — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузурдаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси томонидан;

захира ерларда пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатишга, ўрмон фондида кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесишга рухсатнома — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан;

ўз ерларининг ҳудудида табиий озуқа майдонларида пичан ўриш ва чорва мол-

ларини ўтлатишга рухсатнома — қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари томонидан;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсимлик дунёсининг бошқа барча объектларига рухсатнома — Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан берилади.

10. Фойдаланувчилар махсус рухсатнома олиш учун:

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турларини табиий муҳитдан олиш учун — Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига;

фойдаланишнинг қолган турларига махсус рухсатнома олиш учун — тегишли равишда Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига мурожаат қиладилар.

11. Махсус рухсатнома олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

объект (тури), жойлашган жойи, фойдаланиш муддатлари ва усуллари кўрсатилган ҳолда махсус фойдаланиш учун буюртманомалар;

Фанлар академиясининг ўсимликлар мажмуаси ва фойдаланиш ҳудудининг ҳолати тўғрисидаги хулосаси (Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган турлар учун);

ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ёки ҳудудидан фойдаланиш назарда тутилган давлат ҳокимияти органларининг розилиги;

ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланганлик учун тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

12. Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланишга рухсатнома ёки уни асосли рад этиш ҳужжати ариза берувчиларга ариза олинган кундан бошлаб 15 кун мобайнида тақдим этилади.

13. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турларини табиий муҳитдан олишга буюртманомалар Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан 15 кун мобайнида кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турларини табиий муҳитдан олишга рухсатнома бериш тўғрисидаги тақдимномани Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосаси илова қилинган ҳолда киритади. Рухсатнома бериш рад этилиши учун асос мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бу ҳақда аризачига маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида 10 кун мобайнида тегишли рухсатномани расмийлаштиради.

14. Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланишга рухсатнома бериш қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишга квота мавжуд бўлмаганда;

тақиқланган ҳудудда ёки тақиқланган усул билан ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш учун буюртманомалар берилганда;

ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда ёки зарур тартибда расмийлаштирилмаган ҳолда тақдим этилганда;

ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланганлик учун тўлов тўланмаганда.

Шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам рухсатнома бериш рад этилиши мумкин.

Рухсатнома беришнинг рад этилиши аризачига рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда жўнатилади.

Рухсатнома беришнинг рад этилиши юзасидан аризачи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

15. Рухсатнома бериш рад этилган тақдирда рухсатнома берилиши учун тўланган тўлов қайтарилмайди.

16. Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун берилган рухсатномада қуйидагилар кўрсатилади: фойдаланишни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс; фойдаланиш объекти (турлари), фойдаланиш ҳажми (микдори), фойдаланиш жойи ва муддатлари.

Махсус фойдаланиш учун берилган рухсатномалар бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш рақамларига эга бўлади ва ҳимоя даражалари билан таъминланади. Уларнинг намуналари Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тасдиқланади, давлат ўрмон фонди ҳудудида фойдаланиш учун берилган рухсатномалар ҳам шу жумлага кирилади.

17. Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун берилган рухсатнома бошқа шахсларга берилмайди, уларга тузатишлар киритишга ва бошқа белгилар қўйишга йўл қўйилмайди. Фойдаланувчи томонидан табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш учун берилган рухсатномани олиб қўйишга фақат табиатни муҳофаза қилиш бўйича давлат инспекторлари ва ўрмон идоравий кўрикчилиги (давлат ўрмон фонди ҳудудида) ваколатлидир.

Махсус фойдаланиш учун берилган барча рухсатномалар нусхалари Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига юборилади.

#### **IV. Ўсимлик дунёси объектларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартиби**

18. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ёввойи ўсимликлар, уларнинг қисмларини республика ташқарисига олиб чиқишга рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг тақдимномаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ёввойи ўсимликлар, уларнинг қисмларини республикага олиб киришга рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилмаган ёввойи ўсимликлар, уларнинг қисмлари, мевалари, уруғлари ва ботаника коллекцияларини юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан бериладиган рухсатномалар асосида амалга оширилади.

Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро

савдо қилиш тўғрисидаги конвенция (CITES)нинг I, II ва III иловаларига кирадиган ўсимликлар турлари намуналарини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш ва ҳудудига олиб киришга рухсатнома юридик ва жисмоний шахсларга Ўзбекистондаги CITES Маъмурий органи (Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Давлат биология назорати) томонидан берилади, мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган ўсимлик дунёси объектлари бундан мустасно.

19. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилмаган ҳамда йўқолиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенция (CITES)нинг I, II, III иловаларига кирадиган ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар, уларнинг қисмлари, мевалари, уруғлари ва ботаника коллекцияларини олиб кириш ва олиб чиқиб кетишга рухсатномалар олиш умумий фойдаланиш учун белгиланган нормалардан ошган ҳолларда талаб қилинади.

20. Ўсимлик дунёси объектларини олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома олиш учун буюртманомалар Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига, мазкур Низомнинг 18-банди тўртинчи хатбошида кўрсатилган объектлар бўйича эса — Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Давлат биология назоратига такдим этилади.

21. Ўсимлик дунёси объектларини олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома олиш учун қуйидаги ҳужжатлар такдим этилади:

ўсимликнинг олиб келинадиган ва олиб чиқиладиган ҳар бир тури миқдори кўрсатилган ҳолдаги ариза;

ўсимлик дунёси объектларини табиий муҳитдан олишнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

Фанлар академиясининг ўсимлик гуруҳининг ва фойдаланиш ҳудудининг ҳолати тўғрисидаги хулосаси (Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган турлари учун);

маҳсулотни импорт ёки экспорт қилувчи мамлакат тўғрисидаги маълумотлар;

олиб чиқиш (олиб кириш) учун фойдаланиш мўлжалланаётган транспорт тури тўғрисидаги маълумотлар;

Ўзбекистон Республикаси ўсимликлар карантини бўйича Давлат бош инспекциясининг импорт карантин рухсатномаси (импорт қилишда);

фитосанитария сертификати (Ўзбекистон Республикаси ўсимликлар карантини бўйича Давлат бош инспекцияси томонидан берилади);

рухсатнома бериш учун тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

22. Рухсатнома бериш учун қуйидаги миқдорларда тўлов ундирилади:

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ўсимликнинг бир донаси, шунингдек ўсимликларнинг ушбу турларидан ботаника коллекциялари учун — мазкур турдаги ўсимликларни теришга рухсатнома қийматининг 5 фоизи миқдорида;

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилмаган ёввойи ўсимликлар хом ашёсининг 1 килограмми учун — ўсимликнинг мазкур турини ғамлашга рухсатнома қийматининг 10 фоизи миқдорида.

Ўсимлик дунёси объектларини олиб киришга рухсатнома берилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

23. Ёввойи ўсимликлар ва уларнинг хом ашёси, уруғлик, ботаника коллекцияларини олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома ёки бундай рухсатнома беришнинг асосли равишда рад этилиши аризага ариза берилган кундан бошлаб 15 кун мобайнида маълум қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб



кетиш хавфи остидаги ўсимлик турларини олиб чиқишга буюртманомалар Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан 15 кун мобайнида кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосасини илова қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турларини олиб чиқишга рухсатнома бериш тўғрисида тақдимнома киритади. Рухсатнома беришнинг рад этилиши учун асос мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бу ҳақда аризачига маълум қилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида 10 кун мобайнида тегишли рухсатномани расмийлаштиради.

24. Ўсимлик дунёси объектларини олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатномаларда қуйидагилар кўрсатилади: олиб кириш ёки олиб чиқишни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс, объект (турлари), ўсимлик дунёсининг олиб кирилдиган ёки олиб чиқилдиган объектлари хажми (миқдори), олиб кириш (олиб чиқиш) муддатлари.

Олиб кириш (олиб чиқишга) рухсатномалар бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш рақамларига эга бўлади ва химоя даражалари билан таъминланади. Уларнинг намуналари Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тасдиқланади.

25. Рухсатнома бериш қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

ўсимлик дунёсининг олиб чиқиб кетилаётган объектларининг табиий муҳитдан ноқонуний олинганлиги аниқланганда;

ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганда ёки зарур тартибда расмийлаштирилмаганда;

рухсатнома учун тўлов тўланмаганда.

Рухсатнома бериш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам рад этилиши мумкин.

Рухсатнома беришни рад этиш тўғрисидаги ҳужжат рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда аризачига ёзма шаклда юборилади.

Рухсатнома бериш рад этилганлиги юзасидан аризачи қонун ҳужжатларига мувофиқ шикоят қилиши мумкин.

Рухсатнома бериш рад этилганда рухсатнома бериш учун тўланган тўлов қайтарилмайди.

#### **V. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишни назорат қилиш**

26. Ўсимлик дунёси объектлари муҳофаза қилиниши, фойдаланилиши ва кўпайтирилиши устидан давлат назорати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан амалга оширилади.

27. Ўсимлик дунёси объектлари муҳофаза қилиниши, фойдаланилиши ва кўпайтирилиши устидан идоравий назорат ёввойи ўсимликлар ўсадиган ҳудуд қарашли бўлган органлар: давлат ўрмон фондида — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси томонидан; бошқа ҳудудларда — ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар томонидан амалга оширилади.

28. Ўсимлик дунёси объектлари муҳофаза қилиниши, фойдаланилиши ва кўпайтирилиши устидан жамоатчилик назорати жамоат бирлашмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан амалга оширилади.

29. Фойдаланувчиларнинг белгиланган муддатларга, нормативларга ҳамда ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишнинг, уларни муҳофаза қилиш ва кўпайтиришнинг бошқа қоидаларига риоя этиши Давлат назорати органлари томонидан текширилади.

30. Ўсимлик дунёси объектларини, ёввойи организмлар томонидан ҳосил қилинадиган табиий ўсимлик мажмуаларини муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида табиатни муҳофаза қилиш давлат инспекторлари томонидан, ўрмон кўриқчилиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилувчи инспекторлар, давлат овчилик ва ўрмон-овчилик хўжаликлари, овчилик-балиқчилик хўжалиklarининг егер хизмати томонидан уларга бириктирилган ҳудудларда амалга оширилади.

31. Табиатни муҳофаза қилиш давлат инспекторлари қуйидаги ҳуқуқларга эга: ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш нормалари ва талаблари бузилишини аниқлаш мақсадида ёввойи ўсимликлар кўпайтириладиган ҳудудни бориб кўриш;

ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларни текшириш, ўсимлик дунёси объектларининг тайёрланган маҳсулотларини, ўрмончи ва егерлар қоровулхонасини, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг қоровулхоналарини, омборлар ва бошқа иморатларни текшириш, шунингдек транспорт воситаларининг барча турларини кўздан кечириш ва ушлаб туриш;

ўсимлик дунёсининг тайёрланган объектлари билан боғлиқ шахслардан ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш учун берилган ҳужжатларни кўрсатишни, улар томонидан ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши сабабли ёзма тушунтиришлар берилишини талаб этиш;

мазкур Низом, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш қоидалари, нормалари, муддатлари ва бошқа талаблари бузилишини бартараф этиш тўғрисида ўсимлик дунёси объектларидан барча фойдаланувчилар бажариши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

мазкур Низом ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талаблар бузилган ҳолда амалга ошириладиган ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни олиб қўйиш, шунингдек ноқонуний тайёрланган маҳсулотларни белгиланган тартибда олиб қўйиш ҳамда тайёрлов ва савдо ташкилотларига бериш;

ўтказилган текшириш тўғрисида далолатномалар ва маъмурий қонунбузарликлар тўғрисида протоколлар тузиш;

ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва уларни кўпайтириш бўйича фойдаланувчилар томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирларни назорат қилиш;

«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, мазкур Низом ҳамда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича бошқа қонун ҳужжатлари талаблари бузилган ҳолда амалга ошириладиган ишларни тўхтатиб қўйиш;

ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш ва қонун бузилиши тўғрисидаги материалларни тегишли органларга юбориш;

хизмат юзасидан берилган ўқ отиш қуролини ва унга ўқ-дориларни белгиланган тартибда олиб юриш.

32. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича давлат инспекторлари юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларига риоя қилишга ва ўз фаолиятини берилган ваколатлар доирасида амалга оширишга мажбурдир.

33. Фойдаланувчилар томонидан қонунчилик талаблари бузилган тақдирда ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатиб турилиши ёки тўхтатилиши мумкин. Табиий ўсимлик гуруҳларида қайта тиклаб бўлмайдиган ўзгаришлар хавфи пайдо бўлган тақдирда ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилади.

34. Рухсатномасиз ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартиблар ва нормативлар (квоталар) бузилган ҳолда тайёрланган ўсимлик дунёси объектлари қонунни бузувчилардан олиб қўйилади, кўрсатиб ўтилган қонун бузилишида айбдор бўлган шахслар эса ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун жавоб берадилар ва зарарнинг ўрнини қуйидаги миқдорларда қоплаш мажбуриятини оладилар:

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ўсимликлар турлари бўйича — ўсимликлар мақомига қараб. Йўқ бўлиб кетиш арафасида турган ўсимликлар учун: битта ўсимлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари, камёб ўсимликлар учун — 4 баравари ва камайиб бораётган ўсимликлар учун — 2 баравари миқдорида;

ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишнинг бошқа турлари бўйича — қонун ҳужжатларига мувофиқ.

35. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ноқонуний равишда йиғилган, тайёрланган, шунингдек қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда унинг ҳудудига олиб кирилган ўсимлик дунёси объектлари қонунни бузувчилардан олиб қўйилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси органлари томонидан уларни сотиш ҳуқуқига эга бўлган савдо ташкилотларига шартномавий нархлар бўйича сотиш учун берилади.

36. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Юридик ва жисмоний шахслар ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда қоплашлари шарт. Зарарни қоплаш айбдорларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликдан озод қилмайди.

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланганлик учун тўлов миқдорлари**

Фойдаланиш турлари	Ўсимликларни тайёрлаш учун рухсатнома қиймати	
	юрдик ва жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун, энг кам ойлик иш ҳақиға коэффициентларда	хорижий фуқаролар ва юрдик шахслар учун, АҚШ доллариди
<b>А. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ўсимликлар турлари (бир ўсимликнинг ёки бир илдизнинг қиймати — ўсимлик мақомига қараб)</b>		
Йўқолиб кетаётган турлар	0,2	30
Камёб турлар	0,1	15
Қисқараётган турлар	0,02	3
1 кг уруғлик ва илдизлар — шу мақомдаги ўсимликлар қийматининг 10 баравари миқдориди		
1 кг илдиз ва барглар — шу мақомдаги ўсимлик қийматининг 3 баравари миқдориди		
<b>Б. Доривор ва озқабоб ўсимликларнинг ёввойи турлари ҳамда тайёрлаш учун мўлжалланган ўсимликлар техник хом ашёси (1 кг қиймати)</b>		
Зира (уруғ)	0,048	0,6
Родиола разнозубчатая (илдиз)	0,032	0,4
Мойчечак (гул)	0,23	0,3
Оддий зирк (меваси), замбуруг	0,012	0,15
Самарқанд бўзночи, дўлана (гул), қораандиз, кийикўт, илонпечак, каданопсис, икки уяли қичитқи ўт, лимон ўт, йирик япроқли алқор, Осиё ялпизи, очамбити, минг япроқли тоғ дасторбоши, катта баргизуб, яланғоч қизилмия, оддий бўймадарон, дала қирқбўғини, доривор маврак, юқори витаминли наъматак	0,008	0,1
Арча (меваси), дўлана (меваси), оддий исириқ, сув қалампири, куш торон, майда гулли жамбил (тоғрайҳон), дағал қизилпойча, тиканли ковул, оққалдирмоқ, аччиқ эрман, нозик толали шувоқ, Максимович равочи, афсонак, оддий мингяпроқ, чебрец, уч бўғимли иттиканак, қизилча, Туркистон арслонкуйруги, оддий қамиш (м), шўравор цистанхе	0,006	0,1
Ўсимликларнинг бошқа турлари	0,005	0,1

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Давлат ўрмон фондидан ташқаридаги дарахтлар ва буталарни кесганлик учун тўлов миқдорлари**

Кесишга рухсат берилган дарахтларнинг 1,3 м баландлигидаги диаметри (см)	Битта дарахтни кесиш учун берилган рухсатнома қиймати миқдори (белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига нисбатан коэффициентларда)	
	кам қимматли дарахтлар тури учун: сассиқдарахт, оқ акация, заранг дарахти, терак, тут, бошқа дарахт ва манзарали буталар.	қимматли ёғочбоп дарахтлар: ёнгоқ, нок, гледичи, эман, ленкоран акацияси, қорақайин, қора арча, чинор, аччиқмия, туи, шумтол ҳамда бошқа қимматли дарахтлар ва буталар.
4 гача	0,2	0,3
4,1—8	0,3	0,4
8,1—12	0,5	0,7
12,1—16	0,8	1,2
16,1—20	1,2	1,8
20,1—24	1,7	2,5
24,1—28	2,2	3,3
28,1—32	2,8	4,2
32,1—36	3,4	5,1
36,1—40	4,0	6,0
40,1—44	5,6	8,0
44,1—48	6,2	6,3
48,1—52	6,8	10,2
52,1—56	7,7	11,5
56,1—60	8,6	12,9
60,1—64	9,5	14,2

Изоҳ: буталарнинг диаметри илдиз бўғзида ўлчанади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 28 октябрдаги 508-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш ҳамда овчилик-балиқ овлаш хўжалигини юритиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳайвонот дунёси объектларини фойдаланишга бериш, ҳайвонларни, уларнинг қисмларини, овчилик ўлжаларини, зоология коллекцияларини, ҳайвонларнинг ҳаёт фаолияти маҳсулотларини

Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш, шунингдек овчилик ва балиқчилик хўжалигини юритиш тартибини белгилайди.

2. Қўйидагилар ҳайвонот дунёси объектлари ҳисобланади:

келиб чиқиши ҳайвонларга мансуб бўлган организмлар — сут эмизувчилар, паррандалар, судралиб юривчи ҳайвонлар, ҳам қуруқликда, ҳам сувда яшовчи ҳайвонлар, балиқлар, умуртқасизлар ва уларнинг популяциялари;

ёввойи ҳайвонлардан ташкил топадиган табиий ҳайвон галалари ёки уларнинг ҳар қандай тўдалари;

ёввойи ҳайвонларнинг камёб ёки йўқолиб кетиш хавфи остидаги турлари;

ёввойи ҳайвонлар яшаш фаолиятининг маҳсулотлари.

3. Табиий эркинлик ҳолатида яшовчи барча ёввойи ҳайвонлар, шунингдек овчилик ва балиқ овлаш жойларига қўйиб юборилган ҳайвонлар давлат мулки ҳисобланади ва давлат овчилик-балиқ овлаш фондини ташкил этади.

Питомникларда, инкубаторларда, фермаларда, ҳовуз хўжаликларига ўстирилган ва шу хўжаликларнинг чегараларида жойлашган ёввойи ҳайвонлар питомниклар, инкубаторлар, фермалар, ҳовуз хўжаликлари тегишли бўлган шахсларнинг мулки ҳисобланади.

Ёввойи ҳайвонлардан фойдаланиш ҳуқуқи барча тоифалардаги ер ва сув объектларига эгалик қилиш, уларни тасарруф этиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқидан ажратилган.

4. Қўйидагилар ов қилиш ва балиқ овлаш маҳсулотлари ҳисобланади — мўйна ва тери, ҳайвоннинг шохи, шунингдек улардан тайёрланган буюмлар, ёввойи ҳайвонлар ҳаёт фаолияти маҳсулотлари ва улардан ҳосил бўлган маҳсулотлар, уларнинг гўшти, уларнинг қисмлари, паррандалар ва судралиб юривчи ҳайвонларнинг тухумлари, балиқларнинг увулдириғи, овчилик ўлжалари ҳамда белгиланган тартибда тутилган ҳайвонларнинг ўзи.

## II. Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш

5. Қўйидагилар ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш турлари ҳисобланади:

ов қилиш (спорт, ҳаваскорлик ва саноат мақсадида);

балиқ овлаш (спорт, ҳаваскорлик ва саноат мақсадида);

ҳайвонот дунёсидан илмий, тиббий, маданий-маърифий, тарбиявий ва эстетик мақсадларда фойдаланиш;

ҳайвонлар фаолиятининг фойдали хусусиятларидан фойдаланиш;

ҳайвонлардан уларнинг фаолияти маҳсулотларини олиш мақсадида фойдаланиш;

кўпайтириш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, намойиш қилиш ҳамда тижорат мақсадларида тутқунликда сақлаш (питомникларда, ҳайвонот боғларида ва ҳоказо);

зоология коллекциялари барпо этиш;

ёввойи ҳайвонлар сонини тартибга солиш, уларни мослаштириш ва қайта мослаштириш;

тиббиёт, уй ҳайвонларининг ўлат касалликларига қарши, санитария-эпидемиология ва ветеринария мақсадларида фойдаланиш.

Қонун ҳужжатларида ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турлари ва усуллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

6. Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш умумий ва махсус фойдаланиш тартибида амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёсидан умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан ҳайвонларни яшаш муҳитидан ажратиб олмасдан ва ҳайвонларга зарар етказмасдан

амалга оширилади. Шунингдек барча табиий сув ҳавзаларида 5 килограммгача ва овчилик-балиқ овлаш хўжаликларига рўйхатдан ўтказилган табиий сув ҳавзаларида 10 килограммгача миқдорда балиқларни спорт ва ҳаваскорлик тарзида овлаш ҳам умумий фойдаланишга тегишли бўлади. Ҳайвонот дунёси объектларидан умумий фойдаланиш бепул амалга оширилади.

Балиқларни спорт ва ҳаваскорлик тарзида овлаш:

ушбу бандда белгиланган миқдорларда балиқ овлашнинг белгиланган қоидаларига риоя қилган ҳолда барча сув ҳавзаларида рухсат берилади;

кўриқхоналар ҳудудида, бошқа кўриқланадиган ҳудудларда овлаш тақиқланади (уларнинг низомларига мувофиқ);

балиқ питомниклари ва ҳавза хўжаликлари ҳудудида эса — маъмуриятнинг розилиги билан овлашга рухсат берилади.

7. Умумий фойдаланишга тегишли бўлмаган ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш махсус фойдаланиш ҳисобланади. Махсус фойдаланиш рухсатномалар асосида тўлов эвазига амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланганлик учун тўлов ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчиларни ёввойи ҳайвонларни ва уларнинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш тадбирларини бажаришдан, биотехника тадбирларини ўтказишдан озод этмайди.

Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайдиган ва рўйхатдан ўтказилган хорижий фуқаролар ҳайвонот дунёсидан умумий асосларда фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

### **III. Ҳайвонот дунёсидан умумий фойдаланишга рухсатномалар бериш тартиби**

9. Ҳайвонот дунёсидан махсус фойдаланиш, унинг мақсадларидан қатъи назар, фақат махсус ваколатли органлар томонидан бериладиган рухсатномалар асосида амалга оширилади. Рухсатномалар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишув бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тасдиқланадиган ва тақсимланадиган пулли квоталар асосида берилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Чет эл фуқаролари томонидан ҳайвонот дунёсининг Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган айрим турларини овлашни ташкил этиш ва овлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарори билан белгиланади.

10. Ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланишга рухсатномалар:

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ҳайвонларни табиий яшаш муҳитидан ажратиш олишга — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

ўрмон фонди (Давлат ўрмон фонди) ерларида — Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси органлари томонидан ажратиладиган квоталар асосида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси томонидан;

овчилик-балиқчилик хўжалигини юритувчи юридик шахслар томонидан — белгиланган квоталар доирасида фақат уларга бириктирилган ҳудудда;

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида — Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан берилади.

11. Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш учун рухсатнома олиш учун буюртманомалар:

ўрмон фонди (Давлат ўрмон фонди) ерларида ҳайвонот дунёси объектларини тутиш (отиш, овлаш)га Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига;

фақат уларга бириктирилган ҳудудларда овчилик-балиқчилик хўжаликларида белгиланган квоталар доирасида ҳайвонот дунёсидан фойдаланишга — овчилик-балиқчилик хўжалигини юритувчи юридик шахсларнинг тегишли бошқарув органига;

қолган ҳолларда — Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига берилади.

12. Ёввойи ҳайвонларни илмий, тиббий, маданий-маърифий мақсадларда ва бошқа мақсадларда тутишга рухсатномалар тақдим этилган буюртманомалар асосида берилади, уларда қуйидагилар кўрсатилади:

ёввойи ҳайвонларни тутадиган юридик шахс (ташкилот)нинг номи, унинг реқвизитлари, жисмоний шахснинг фамилияси ва исми, паспортига ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжатга оид маълумотлар;

тутишнинг мақсадлари ва усуллари;

турлар бўйича ҳайвонлар сони;

тутиш қуроллари ва сузиш воситалари (балиқ овлашда);

мўлжалланаётган тутиш жойи (туман, вилоят);

ҳайвонларни тутиш муддатлари.

Ариза 15 кун мобайнида кўриб чиқилади. Рухсатнома бериш рад этилган тақдирда, юридик ёки жисмоний шахс рухсатнома олиш учун буюртманомани такроран бериш ҳуқуқига эгадир.

13. Ёввойи ҳайвонларни спорт-ҳаваскорлик ва саноат мақсадларида тутишга рухсатнома тақдим этилган буюртманомалар асосида берилади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

ёввойи ҳайвонларни тутадиган юридик шахс (ташкилот)нинг номи, унинг реқвизитлари, жисмоний шахснинг фамилияси ва исми, паспортига ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжатга оид маълумотлар;

ҳайвонларни тутиш мақсадлари;

овчилик-балиқчилик хўжаликлари ёки бошқа маъмурий ҳудудлар бўйича турларига кўра ҳайвонлар сони;

ҳайвонларни тутиш муддатлари;

ҳайвонларни тутиш жойи;

тутиш усули;

илмий ташкилотлар ва табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан тасдиқланган ҳайвонларнинг сўралаётган турлари сони тўғрисидаги маълумотлар;

табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан тасдиқланган ўтган йили тутилган ҳайвонлар сони (ҳайвонларнинг турлари ва хўжаликлар бўйича);

амалга ошириладиган муҳофаза қилиш ва кўпайтириш тадбирлари ҳажмлари;

агар уларни Ўзбекистон ташқарисига олиб чиқиш мўлжалланаётган бўлса, ҳайвонларни ва уларнинг ҳаёт фаолияти маҳсулотларини етказиб беришга шартномалар (контрактлар) мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонларни табиатдан исталган шаклда ажратиб олишга рухсатнома олиш учун буюртманомага Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосаси илова қилинади.

Буюртманома 15 кун мобайнида кўриб чиқилади. Рухсатнома бериш рад этил-



ган тақдирда юридик ёки жисмоний шахс рухсатнома олиш учун буюртманомани такроран бериш ҳуқуқига эгадир.

14. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонларни табиатдан исталган шаклда ажратиб олишга буюртманомалар Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан 15 кун мобайнида кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонларни табиатдан исталган шаклда ажратиб олишга рухсатнома бериш тўғрисидаги тақдимномани Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосаси илова қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади. Рухсатнома бериш рад этилиши учун асос мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бу ҳақда аризачига маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида 10 кун мобайнида тегишли рухсатномани расмийлаштиради ва беради.

15. Фуқаролар томонидан спорт-ҳаваскорлик ови ва балиқ овлаш овчилик-балиқчилик хўжалигини юритувчи юридик шахсларнинг рухсатномалари бўйича фақат уларга бириктирилган ҳудудларда — овчилик-балиқчилик хўжаликларида амалга оширилади.

16. Ҳайвонот дунёсидан махсус фойдаланишга рухсатнома фақат мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ қиймат тўлангандан кейин берилади.

17. Ҳайвонот дунёсидан махсус фойдаланишга — ёввойи ҳайвонларни тутиш (отиш, овлаш)га рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тасдиқланадиган ҳисобга олиш рақамига ва химояланганлик даражасига эга бўлган белгиланган намунадаги махсус бланкаларда берилади. Рухсатномалар бланкалари қатъий ҳисобот берилладиган бланкалар ҳисобланади ва белгиланган тартибда сақланади.

Ҳайвонот дунёсидан махсус фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга рухсатномалар берилиши махсус дафтарда қайд этилади, унда фойдаланувчи, тутиш жойи ва тутишга рухсат берилган ҳайвонлар сони, ҳайвонларни тутиш муддатлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

18. Қўйидаги ҳолларда:

буюртманоманда кўрсатилган ҳайвонларнинг турларини тутишга квота мавжуд бўлмаганда;

ҳайвонларни тақиқланган жойларда, тақиқланган вақтда ёки тақиқланган усулда тутишга буюртманома тақдим этилганда;

табиатни муҳофаза қилиш органларига тутиш сўралаётган ҳайвонлар сони тўғрисидаги маълумотлар ва илгари берилган рухсатнома (квота) бўйича тутилган ҳайвонлар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилмаганда;

тутилиши мўлжалланаётган ҳайвонлар сони қиймати тўланмаганда;

тутилган ҳайвонларни узоқ вақт тутиб туриш учун шарт-шароитлар мавжуд бўлмаганда;

қонун ҳужжатларда назарда тутилган бошқа ҳолатларда рухсатнома бериш рад этилиши мумкин.

Рухсатнома берилиши рад этилганлиги тўғрисидаги қарор юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ юқори органларга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

19. Тайёрлаш ва спорт-ҳаваскорлик мақсадларида ёввойи ҳайвонларни тутишга рухсатнома олишда ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш ва кўпайтириш, сонини

ҳисобга олиш ҳамда тугилган ҳайвонларни ҳисобга олиш тадбирларини амалга оширадиган шахслар устуворлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

20. Рухсатнома олган шахс уни фойдаланиш учун бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга эмас. Айбдор шахслар (рухсатномани берган ва қабул қилган шахслар) қонун ҳужжатларга мувофиқ жавоб берадилар.

21. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланишга рухсатнома олган юридик ва жисмоний шахс (мақсадлардан қатъи назар):

рухсатноманинг амал қилиш муддати тамом бўлгандан кейин, бироқ 10 кунлик муддатдан кечикмай, рухсатномани уни берган органга ундан фойдаланганлик тўғрисидаги қисқача ҳисобот билан биргаликда қайтаришга;

рухсатномада кўрсатилган барча талабларга риоя қилишга мажбурдир.

Рухсатномага ўзбошимчалик билан бирон-бир тузатиш ва қўшимчалар кириштириш тақиқланади.

22. Ҳайвонларни спорт-ҳаваскорлик овида ёки балиқ овида тутган жисмоний шахс овчилик-балиқчилик маҳсулотларини ўз хоҳишига кўра тасарруф этишга ҳақлидир.

Овчилик маҳсулоти сотилган тақдирда, жисмоний шахс ҳайвонларни тутишнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхасига, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларга эга бўлиши шарт.

23. Рухсатнома унда кўрсатилган муддат мобайнида ҳақиқийдир. Рухсатнома бир календарь йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

Тугилган ёввойи ҳайвонлардан рухсатномада кўрсатилган мақсадларга мувофиқ фойдаланилади.

24. Қонун ҳужжатлари талабларига, мазкур Низомга, шунингдек ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларда баён қилинган талабларга риоя этилиши учун номига рухсатнома берилган юридик ва жисмоний шахслар жавоб берадилар. Йўл қўйилган бузилишлар учун рухсатнома олиб қўйилади, қонунни бузувчига нисбатан эса амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар қўлланилади.

25. Овчилик хўжалигига, инсоннинг хўжалик фаолиятига зарар етказётган ҳайвонлар уларга бириктирилган ер майдонларида овчилик-балиқчилик хўжаликларининг овчилари ва ёлланган овчилари ҳамда овчилар ва фуқароларнинг махсус бригадалари томонидан, ов мавсумидан ташқари, рухсатномалар бўйича, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан белгиланадиган тартибда тугилади.

#### **IV. Хорижий фуқаролар томонидан ов қилиш тартиби**

26. Ёввойи ҳайвонларни овлаш учун Ўзбекистон Республикасига келадиган хорижий фуқароларга фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг рухсатномаси асосида қуйидаги тартибда берилади:

ов қилиш ва балиқ овлаш учун хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига келиши, бу ерда бўлиши ва Ўзбекистон Республикасидан кетиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади;

ов қилиш учун буюртманнома, шунингдек ҳавонот дунёсидан фойдаланиш учун тўлов тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат хорижий фуқароларга рухсатнома бериш учун асос ҳисобланади, хорижий фуқаронинг ўзи ёки унинг манфаатларини ифодловчи шахс томонидан жўнатиладиган мазкур буюртманномада овланадиган ҳайвонлар турлари ва ов қилиш муддатлари кўрсатилади;

овлаш учун ов қуролидан фойдаланувчи хорижий фуқаро қуроллар ва ўқ-дориларни республикага олиб кириш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг рухсатномасини олиши зарур.

27. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ҳайвонот дунёси объектлари айрим турларини, шу жумладан тувдоғ қушини овлаш учун Ўзбекистон Республикасига келадиган хорижий фуқароларга фойдаланиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида берилади.

28. Тувдоғ қушини овлашда республиканинг бутун ҳудуди бўйича алоҳида Низом билан чеклашлар белгиланади.

29. Хорижий фуқароларнинг ов қилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назорати остида амалга оширилади.

30. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш учун тўловлар ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ ундирилади. Рухсатномалар мазкур тўловлар тўлангандан кейин берилади. Ёввойи ҳайвонларни овлаганлик учун тўловлардан тушган маблағлар белгиланган тартибда сарфланади.

31. Овлаш вақтида яраланган ҳайвонлар овланган ҳайвонларга тенглаштирилади.

32. Овланган ҳайвонларни, уларнинг қисмларини, ўлжаларни ва шу кабиларни республикадан олиб чиқиб кетишга рухсатнома ҳайвонот дунёсидан фойдаланишга рухсатнома ҳамда табиатни муҳофаза қилиш бўйича ваколатли давлат инспектори ва овчи томонидан имзоланган овланган ҳайвонлар тўғрисидаги далолатнома асосида берилади.

**V. Ҳайвонот дунёси объектларини, уларнинг қисмларини  
Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига  
олиб чиқиш тартиби**

33. Ёввойи ҳайвонлар, уларнинг қисмлари, зоология коллекциялари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, ўлжалар, тулумларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш, шунингдек жўнатиш ва ташиш Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича амалга оширилади.

34. Қизил китобга киритилган ёввойи ҳайвонларни, шу жумладан питомникларда етиштирилган ҳайвонларни кўчириш мақсадида Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқишга рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан берилади.

35. Ёввойи ҳайвонлар, уларнинг қисмлари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, зоология коллекциялари, ўлжалар, тулумларни олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома юридик ва жисмоний шахсларга берилган ариза асосида рухсатнома берилганлиги учун ҳақ ундирилгандан кейин берилади. Аризада қуйидагилар кўрсатилади: юридик шахс (ташкilot)нинг номи, жисмоний шахснинг фамилияси ва исми; олиб чиқиш (мамлакат, шаҳар) ёки олиб кириш жойи; турлар бўйича олиб чиқиладиган ёки олиб кириладиган ҳайвонларнинг (уларнинг қисмлари, ўлжалар, тулумлар, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари ва ҳоказо) сони. Зоология коллекцияларини олиб чиқишда экспонатлар ҳар бир турининг нусхалари сони кўрсатилади;

олиб чиқиш учун асос — ҳайвон қонуний сотиб олинганлиги ёки тутилганли-

гини тасдиқловчи ҳужжат (қонуний тутишга рухсатноманинг тартиб рақами, бошқа ҳужжатлар), зоология коллекциясининг Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш органларида ҳисобга олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

36. Ёввойи ҳайвонлар, уларнинг қисмлари, зоология коллекциялари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, ўлжалар, тулумлар олиб кирилиши — олиб чиқилишига рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза ўн беш кун муддатда кўриб чиқилади. Рухсатнома бериш рад этилган тақдирда аризачи судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг тақдим этилмаслиги рухсатнома бериш рад этилиши учун асос бўлиши мумкин.

37. Ўзбекистон Республикасига ноқонуний олиб кириш ёки унинг ташқарисига олиб чиқишга Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг махсус рухсатномасиз уринишлар пайтида ушланган ёввойи ҳайвонлар, уларнинг қисмлари, зоология коллекциялари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари ва улардан ҳосил бўлган маҳсулотлар, ўлжалар, тулумлар олиб қўйилади.

Олиб қўйилган ҳайвонлардан келгусида фойдаланиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан қабул қилинади.

38. Ҳайвонот дунёси объектларини республикадан ташқарига олиб чиққанлик учун:

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган битта ёввойи ҳайвон, унинг қисмлари, тулум, ўлжа, ҳайвоннинг териси, бир жуфт шох, битта шох учун — мазкур ёввойи ҳайвонни тутишга рухсатнома қийматининг 5 фоизи миқдорига;

бошқа ёввойи ҳайвонлар учун — ёввойи ҳайвоннинг мазкур турини тутишга рухсатнома қийматининг 2 фоизи миқдорига тўлов назарда тутилади.

Ёввойи ҳайвонлар, уларнинг қисмлари, зоология коллекциялари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, ўлжалар, тулумлар республикага олиб кирилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

39. Ёввойи ҳайвонларни олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган белгиланган намунадаги бланкаларда берилади.

40. Рухсатнома бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган бланкалар ҳисобланади ва белгиланган тартибда сақланади. Берилган рухсатномалар махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади.

**VI. Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенцияга (CITES) кирувчи ҳайвонлар турлари намуналарини олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатномаларни расмийлаштириш ва бериш тартиби**

41. Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо тўғрисидаги конвенция (CITES)нинг I, II ва III иловаларига кирувчи ҳайвонлар турлари намуналарини Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиш ва Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш учун белгиланган намунадаги рухсатнома юридик ва жисмоний шахсларга CITESнинг Ўзбекистон Республикасидаги Маъмурий органи (Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Давлат биология назорати) томонидан берилади.

42. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Зоология институти «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси CITESнинг Ўзбекистон Республикасидаги илмий органи ҳисобланади. Унинг функциясига қуйидагилар қиради:

I, II ва III иловаларига киритилган фауна турлари намуналарини олиб кириш ва олиб чиқиш масалалари юзасидан Маъмурий органга маслаҳатлар бериш;  
фауна турлари намуналари экспорти-импорти бўйича хулосалар бериш;  
фауна турлари намуналарини қабул қилишга давлатнинг тайёрлиги тўғрисида хулосалар бериш;

хайвонларни сақлаш шароитлари бўйича хулосалар бериш;

коллекциялар ва питомникларни рўйхатдан ўтказиш бўйича хулосалар бериш.

43. CITES Конвенциясининг I, II ва III иловаларига киритилган намуналарни олиб кириш-олиб чиқишга (экспорт, қайта экспорт, импорт) CITESнинг рухсатномасини расмийлаштириш учун CITESнинг Маъмурий ва Илмий органларига ариза тақдим этиш зарур. Аризада қуйидагилар кўрсатилади:

экспорт, қайта экспорт, импортнинг мақсади (тижорат операциялари, илмий тадқиқотлар, ҳайвонот боғлари ва музейлар ўртасида айирбошлаш, овчилик ўлжалари, ҳадя ва бошқалар);

хайвоннинг рус ва лотин тилларида тўлиқ номи кўрсатилган ҳолдаги тури;

намунанинг тавсифи (тирик ҳайвонлар, ҳайвоннинг териси, тулуми, танаси, суюғи, шохи, сўйлоқ тиши, қони, увулдириғи, шунингдек буюмлари ва бошқалар; тирик ҳайвонлар учун — жинси ва ёши, идентификацияловчи белгилар мавжудлиги);

намуналарнинг сони ёки оғирлиги;

намунанинг келиб чиқиши (табиатдан ажратиб олинган, сунъий шароитларда урчитилган ёки ўстирилган ёки қандай ҳужжатлар асосида бошқа мамлакатдан импорт қилинган, мусодара қилинган, сотиб олинган, ҳадя ёки мерос сифатида олинган ва ҳоказо);

намуналарни олиб кириш ёки олиб чиқишнинг режалаштирилаётган муддатлари ва божхона пункти, транспорт воситалари ва йўналиш схемаси;

тирик ҳавонларни транспортда ташиш CITES қоидаларига ва ҳаво транспортда ташилган тақдирда эса — тирик ҳайвонларни транспортда ташиш (ИАТА) қоидаларига мувофиқ амалга оширилишини тасдиқловчи ҳужжат;

экспорт қилувчи (қайта экспорт қилувчи) ва импорт қилувчининг рус ва инглиз тилларидаги юридик манзили (жисмоний шахслар учун — уй манзили, паспортига оид маълумотлар), уларнинг телефонлари ва факслари.

44. Қуйидагилар намуналарни тутиш, сотиб олиш, тасарруф этиш ёки уларга эгалик қилишнинг қонунийлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар ҳисобланади:

намунани тасарруф этиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ишончнома;

ҳайвонот дунёси объектларини тутишга берилган рухсатнома нусхаси;

сув биология ресурсларини тутишга берилган рухсатнома нусхаси;

ота-онаси тўғрисидаги маълумотлар иккинчи авлодигача, зарурат бўлганда эса ундан олдинги авлодигача кўрсатилган ҳолда туғилган санаси ва жойи, зот тартиб рақами ва лақаблари кўрсатилган ҳайвонлар зоти дафтаридан кўчирма;

агар намуна савдо шохобчасидан сотиб олинган бўлса — товар чеки;

мулкчилик ҳуқуқини ва/ёки олди-сотди шартномасини, васиятнома, ҳадя шартномасини тасдиқловчи бирламчи юридик ҳужжатлар;

ваколатли органларнинг намуналарни мусодара қилиш тўғрисидаги қарори ва/ёки CITESнинг Ўзбекистондаги Маъмурий органининг мусодара қилишга сертификати;

музейларнинг ва коллекция қилиш билан шуғулланувчи бошқа ташкилотларнинг инвентарь дафтарларидан кўчирма;

агар экспорт қилувчи мамлакат CITES Томони ҳисобланмаса, экспорт қилувчи мамлакат CITES Маъмурий органининг ёхуд ваколатли давлат органи рухсатномасининг асл нусхаси.

45. Истисно ҳолларда, ҳайвонлар сақланишини таъминлаш зарурлигидан ва Конвенция талабларига риоя қилиш зарурлигидан келиб чиқиб CITESнинг Ўзбекистон Республикасидаги Маъмурий органи олиб кириш-олиб чиқишга тегишли қўшимча ахборотни сўраши мумкин.

46. CITESнинг Ўзбекистон Республикасидаги Маъмурий органи аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқади, CITES назарда тутган ҳолларда эса CITES Котибияти билан маслаҳатлашади ва 30 кун мобайнида рухсатномани расмийлаштиради ёхуд асосланган рад жавобини юборади.

Рухсатнома 6 ойгача муддатга, кўчма кўрғазмалар ва цирклар учун — 12 ойгача муддатга берилади.

Рухсатнома бериш белгиланган тартибда тўлов эвазига амалга оширилади.

47. Ҳар бир рухсатнома белгиланган намунадаги бланкада тўрт нусхада расмийлаштирилади, унинг биринчи нусхасида химоя маркаси бўлади, ваколат берилган мансабдор шахс томонидан имзоланади ва CITESнинг Маъмурий органи муҳри билан тасдиқланади. Намуналарнинг ҳар бир туркуми учун алоҳида рухсатнома расмийлаштирилади.

48. Рухсатноманинг расмийлаштирилган нусхалари аризачига рухсатномаларни бериш журналида тилхат билан уч нусхада берилади ёхуд тўлов тасдиқлангандан кейин почта орқали юборилади.

49. Намуналарни олиб чиқиш кўрсатилган муддатларда ва рухсатномада кўрсатилган божхона шохобчаси орқали амалга оширилади.

Ҳимоя маркаси бўлган рухсатноманинг асл нусхаси намуна билан бирга бўлади.

Олиб кирилган намуналарда CITES рухсатномасининг асл нусхаси CITES Маъмурий органига тақдим этилади ва ҳужжатлар йиғмажилдида сақланади.

50. Агар бирор сабаб билан рухсатномадан кўрсатилган муддатларда фойдаланилмаса, у CITESнинг Маъмурий органига қайтарилиши шарт.

## **VII. Овчилик ва балиқчилик хўжалигини юритиш**

51. Спорт-ҳаваскорлик ҳамда саноат мақсадида овлаш ва балиқ овлашга рухсат берилган ёввойи ҳайвонларнинг яшаш ва юриш жойи бўлган барча ерлар, сувлар ва ўрмонлар ов қилинадиган ва балиқ тутиладиган жойлар ҳисобланади.

Саноат мақсадларида сув ҳайвонлари ва ўсимликларини овлаш учун фойдаланилаётган ёки фойдаланилиши мумкин бўлган ёхуд балиқларни кўпайтириш учун аҳамиятга эга бўлган барча сув ҳавзалари (денгиз, дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар ва бошқа сув ҳавзалари) балиқчилик хўжаликлари ҳисобланади.

52. Қуйидагилар овчилик-балиқ овлаш жойлари ҳисобланмайди:

аҳоли пунктлари ерлари;

табиатни қўриқлаш, соғломлаштириш, рекреацион ва тарихий-маданий вазифаларни бажарувчи ерлар;

шаҳарлар атрофидаги яшил зоналар;

корхоналар атрофидаги санитария-химоя зоналари;

сув олиш иншоотларининг химоя зоналари;

аэродромлар ва аэродром атрофи зоналари;

чегара полосалари;

хосили йиғиштириб олингунга қадар қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган ерлар;

тўғонлар, сув айиргичлар, кўприклардан, балиқ питомниклари, ховуз ва бошқа маданий балиқчилик хўжаликлари чегараларидан 200 метрли полоса ёки ушбу объектларни қўриқлашнинг муайян режимида белгиланган йироқликдаги полоса.

53. Овчилик-балиқчилик хўжалиги — муҳофаза қилиш ва урчитиш тадбирлари, ов қилиш ва балиқ овлаш амалга ошириладиган ҳудуд участкасининг овчилик жамоаси, муассасаси ёки ташкилотига бириктирилган ишлаб чиқариш бирлиги.

54. Овчилик ва балиқчилик хўжаликлари:

давлат ташкилотлари ихтиёрида бўладиган ҳамда овчилик ва балиқчилик махсулотлари етиштириш ва тайёрлашга мўлжалланган давлат хўжаликларига;

овчилик фаолияти ўрмон хўжалиги билан бирга қўшиб олиб бориладиган ўрмон-овчилик — давлат хўжаликларига;

жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат тузилмалар томонидан ташкил этиладиган, шахсий эҳтиёжларни қондириш мақсадида жисмоний шахслар томонидан спорт-ҳаваскорлик ови ва балиқ овлаш учун спорт-ҳаваскорлик хўжаликларига;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган хусусий овчилик-балиқчилик хўжаликларига бўлинади.

55. Овчилик ва балиқчилик ер майдонларини бириктириш (овчилик-балиқчилик ер майдонларини овчилик-балиқчилик хўжалигини юритиш учун юридик ва жисмоний шахсларга бериш) шартнома билан расмийлаштирилади.

Ўрмон фонди ерларидаги овчилик ва балиқчилик ер майдонларини бириктириш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси томонидан, бошқа ҳудудда — Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан амалга оширилади.

56. Овчилик хўжалигини юритиш учун овчилик-балиқчилик ер майдонларини бириктириш ер эгалари ёки ердан фойдаланувчилардан ерни олиб қўймасдан амалга оширилади. Зарурият бўлганда, ер ажратиш масаласи белгиланган тартибда ҳал этилади.

Қўйидагилар овчилик ва балиқчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқини бериш учун асос ҳисобланади:

хўжаликни ташкил этиш иқтисодий жиҳатдан асосланган (муҳофаза қилиш ва урчитиш тадбирларини олиб боришга харажатлар ҳажми ва ҳайвонлар сони ҳисобини юритиш) ва ҳудуд тавсифланган буюртманома;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан ўтказилган ёввойи ҳайвонлар сони ҳисобини юритиш материаллари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси сўровига кўра тақдим этиладиган ер майдонининг ҳолати тўғрисидаги ахборот;

ҳудудда хўжаликни ташкил этиш режалаштирилаётган ер эгалари ёки ердан фойдаланувчиларнинг розилиги.

57. Овчилик-балиқчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқи ўрмон фонди ерларида Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига ахборот тақдим этилган ҳолда овчилик-балиқчилик хўжалигини юритувчи ташкилот билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси органлари ўртасида, бошқа ҳудудда — Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан тузилган шартнома билан расмийлаштирилади.

Шартнома асосий ҳужжат ҳисобланади. Шартномага мувофиқ ҳайвонот дунёсидан фойдаланилади ҳамда овчилик ва балиқчилик хўжалиги юритилади. Шартно-

ма 10 йилгача муддатга тузилади. Шартномада овчилик ва балиқчилик хўжалигини юритиш муддати, овчилик-балиқчилик хўжалигини юритиш масалалари бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш, урчи-тиш, сонини ҳисобга олиш ва тутиладиган ҳайвонлар ҳисобини юритиш, овчиликни ташкил этиш тадбирлари ва бошқа масалалар кўрсатилади.

58. Овчилик-балиқчилик хўжалигини юритувчи юридик ва жисмоний шахснинг мажбуриятлари:

фойдаланиш учун қабул қилинган овчилик ва балиқчилик ер майдонини, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш;

ёввойи ҳайвонларни сақлаш ва сонини кўпайтиришга, ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳитини сақлаб қолишга, бошқа биотехника тадбирларига йўналтирилган илмий асосланган тадбирлар ўтказиш;

белгиланган методикаларга мувофиқ, махсус тайёрланган ва ўқитилган одамларнинг кучи билан ёввойи ҳайвонлар сони ҳисобини ўз вақтида олиб бориш;

тутиладиган ёввойи ҳайвонлар ҳисобини юритиш;

ёввойи ҳайвонларнинг нобуд бўлишига (ов қилиш ва балиқ овлаш ҳолатларидан ташқари) ва ер майдонларининг ёмонлашувига йўл қўймайдиган усуллар билан овчилик ва балиқчилик хўжалигини юритиш;

овчилик ва балиқчилик хўжаликларини чегара тўсинлари, аншлағлар ва кўрсаткичлар, хўжалик тўғрисида тўлиқ ахборот берилган харита-схема билан таъминлаш; ёнғин хавфсизлиги чораларига риоя этиш;

овчилик ва балиқчилик хўжалигини юритиш билан боғлиқ ахборотларни табиатни муҳофаза қилиш органларига ўз вақтида тақдим этиш;

ҳар йили ов бошлангунга қадар табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий органларини аниқ хўжаликларда ёки ҳудудда ёввойи ҳайвонларни тутишга берилган рухсатномалар сони тўғрисида хабардор қилиш;

ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг маҳаллий органларига ёввойи ҳайвонлар сони ва уларнинг турлари таркиби, тутилган ҳайвонларнинг сон ва турлари таркиби, биотехник, урчиштиш ва муҳофаза қилиш тадбирлари ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш;

ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажариш.

59. Овчилик ёки балиқчилик хўжалигини юритувчи юридик шахслар ўз ваколатларига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

жисмоний шахсларга белгиланган квоталар доирасида ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланишга рухсатнома бериш;

белгиланган квоталар доирасида саноат мақсадларида ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш учун юридик шахслар ва фуқаролар билан шартномалар тузиш;

берилган квотага (рухсатномага) мувофиқ тутилган овчилик ва балиқчилик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда санитария талабларига риоя қилган ҳолда ҳайвонот дунёси объектларидан буюмлар ишлаб чиқариш;

ов қилиш ва балиқ овлаш маҳсулотларини уларни тутишнинг қонунийлигини ёки сотиб олинишини, маҳсулотнинг сифат сертификатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда ҳокимликлар томонидан махсус ажратилган жойларда сотиш;

ов қилиш ва балиқ овлаш маҳсулотларидан, ҳайвонот дунёси объектларидан тайёрланган буюмлардан фойдаланиш ва уларни сотиш;

сунъий равишда етиштирилган ҳайвонлардан, улардан ов қилиш учун фойдаланилган тақдирда эса — Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан келишган ҳолда ўз хоҳишига кўра фойдаланиш;



табиатни муҳофаза қилиш органларига ов қилиш қоидалари бўйича таклифлар тақдим этиш;

хайвонларни, шу жумладан балиқларни тутишни белгиланган тартибда амалга ошириш.

60. Овчилик-балиқчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда;

овчилик-балиқчилик хўжалигини юритиш рад этилганда;

фойдаланишнинг белгиланган муддати тамом бўлганда;

фойдаланиш ҳуқуқи берилган юридик шахс тугатилганда;

хайвонот дунёсидан фойдаланишнинг белгиланган қоидалари бажарилмаганда;

хайвонот дунёсидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда;

шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;

хайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи ўзбошимчалик билан бошқага берилганда;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

61. Хайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилган тақдирда овчиликдан фойдаланувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда хайвонлар сони ҳисоби юритилади ва хайвонлар сони шартнома тузилгандаги сонга нисбатан асоссиз равишда пасайтириб юборилган тақдирда, хайвонот дунёсидан фойдаланувчи мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ хайвонларнинг етишмаётган сонини пул ифодасида қоплайди.

62. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов қилиш ва балиқ овлаш қоидалари, шу жумладан тутиш нормалари, ов қилиш (тутиш) қуролларига қўйиладиган талаблар, тутиш муддатлари, ов қилиш ёки балиқ овлаш тақиқланган жойларни аниқлаш тартиби, шунингдек ов қилиш ва балиқ овлаш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тасдиқланади.

### **VIII. Ёввойи хайвонларни тутқунликда сақлаш**

63. Ёввойи хайвонларнинг барча турлари фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича тутқунликда сақланиши мумкин. Зоология дўконларидан сотиб олинган ёввойи хайвонлар бундан мустасно.

Тутқунликда сақлаш — ёввойи хайвонларга улар тор (тўсилган) жойда яшайдиган шароитлар яратиш (қафасда, темир панжарали жойда, аквариумда, террариумда, боғланган ҳолда сақлаш ва хоказо).

Хонакилаштирилмайдиган хайвонлар ёввойи хайвонлар ҳисобланади.

64. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи хайвонларни ҳамда заҳарли хайвонларни ҳаёт фаолияти маҳсулотларини олиш мақсадида тутқунликда сақлашга фақат Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишган ҳолда ташкил этиладиган махсус питомникларда йўл қўйилади.

65. Ёввойи хайвонларни сақлаш ва урчитиш бўйича питомниклар Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида ҳисобга қўйилади.

Питомник — инсоннинг доимий назорати остида бўлган ва хайвонларни урчитиш учун фойдаланиладиган, хайвонларнинг назорат қилинадиган ҳудуддан чиқиб

кетишига тўсқинлик қилувчи чегараларга эга бўлган назорат қилинадиган ҳудуд (муҳит).

66. Ёввойи ҳайвонлардан ва питомникларда ўстирилган, CITES Конвенциясининг Иловасига кирадиган ҳайвонлардан фойдаланишга қонун ҳужжатларига ва CITES Конвенцияси иловаларига мувофиқ йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ва питомникларда ўстирилган ёввойи ҳайвонлардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг назорати остида амалга оширилади.

67. Ёввойи ҳайвонларни тутқунликда сақлашга, ёввойи ҳайвонлар сақланадиган ва урчитиладиган питомникларни ҳисобга қўйишга рухсатнома олиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига ёввойи ҳайвонлар эгасининг аризаси тақдим этилиши зарур. Аризада қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг жойлашган жойи (почта манзили), жисмоний шахснинг манзили, фамилияси ва исми;

ҳайвонларни сақлашнинг мақсади (кейинчалик табиатга қўйиб юбориш учун урчитиш, илмий тадқиқотлар, тижорат мақсадлари ва бошқалар);

турлари (кичик турлари) ва жинси бўйича сони кўрсатилган ҳолда ҳайвонларнинг турлари рўйхати (кичик турлари, агар дурагай бўлса, ота-оналарининг турлари кўрсатилади);

ҳайвонларнинг келиб чиқиши (сотиб олинishi);

ҳайвонларнинг сотиб олинган санаси;

питомникда ҳайвонларнинг қайси авлоди мавжудлиги;

ҳайвонларни сақлаш шароитлари (қафасда, темир панжарали жойда, эркин ва ҳоказо);

ҳайвонларнинг белгиси борлиги (тавсифлаш, тартиб рақамини кўрсатиш);

ветеринария хизмати мавжудлиги.

Ариза ўн беш кун муддатда кўриб чиқилади. Рухсатнома бериш рад этилган тақдирда аризачи юқори ташкилотга ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар тақдим этилмаслиги рухсатнома бериш рад этилиши учун асос бўлиши мумкин.

68. Ёввойи ҳайвонларни тутқунликда ёки питомникда сақлашга рухсатнома берилган шахслар ҳар йили, 1 январгача, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига ўзларидаги ҳайвонларнинг сони, тур таркиби ва ҳолати тўғрисида ахборот бериши шарт. Ҳайвон нобуд бўлган тақдирда, уни сақлайдиган шахс Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига унинг нобуд бўлиши сабаби тўғрисидаги ветеринария хулосасини тақдим этиши шарт.

69. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг рухсатномасиз тутқунликда ва питомникларда сақланаётган ҳайвонларни ўзбошимчалик билан табиатга чиқариб юбориш тақиқланади.

## IX. Зоология коллекцияларини ташкил этиш

70. Коллекция — консервация қилинган ва тирик зоология объектлари йиғиндиси. Коллекция тирик ҳайвонлардан (ҳайвонот боғлари, жонли бурчаклар ва ҳоказо) — ҳайвонларнинг тулумлари, таналари, терилари, скелетлари, уялари, тухумлари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, нам препаратлар, овчилик ўлжалари ва ҳоказолардан иборат бўлиши мумкин. Юқорида санаб ўтилган объектларнинг туркумлаштирилмаган ҳолда тўпланишига ҳар қандай турдаги коллекция сифатида қаралади.

Туркумлаштирмаган ҳолда тўплаш — ишлов берилмаган, коллекция тартиб рақамига, аниқ илмий номига ва тўплаш (сотиб олиш) жойига эга бўлмаган тўпланган намуналар.

71. Ёввойи ҳайвонларни табиатдан ажратиш олиш йўли билан юридик ва жисмоний шахслар томонидан зоология коллекциялари ташкил этилиши ва уларнинг тўлдирилишига фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича йўл қўйилади ва улар мулкчилик шаклларида катъи назар, мажбурий тартибда давлат ҳисобидан ўтказилади.

72. Зоология коллекцияларини ҳар хил мақсадлар учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетиш Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг рухсатномаси бўйича амалга оширилади.

73. Зоология коллекцияларини давлат ҳисобига қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига ариза тақдим этиш зарур. Аризада қуйидагилар кўрсатилади:

зоология коллекцияси эгасининг манзили, жисмоний шахснинг фамилияси ва исми;

зоология коллекциясининг келиб чиқиши;

зоология коллекциясининг таркиби (ҳайвонлар турлари, уларнинг қисмлари, турлар бўйича сони);

зоология коллекцияси консервация қилиниши тури (танаси, нам препаратлар, тулум ва бошқалар);

Фанлар академиясининг зоология коллекциясининг илмий аҳамияти тўғрисидаги хулосаси.

74. Зоология коллекциясини давлат ҳисобига қўйиш тўғрисидаги ариза ўн беш кун муддатда кўриб чиқилади. Рухсатнома бериш рад этилган тақдирда аризачи судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг тақдим этилмаслиги зоология коллекциясини давлат ҳисобига қўйишнинг рад этилиши учун асос бўлиши мумкин.

75. Қонун ҳужжатларини бузадиган зоология коллекциялари эгалари маъмурий жавобгар бўладилар. Қонун ҳужжатлари такроран бузилган тақдирда коллекцияни олиб қўйиш ва уни бошқа юридик шахсга бериш тўғрисидаги масала кўриб чиқилади.

## **Х. Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланишни назорат қилиш**

76. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳамда овчилик ва балиқ овлаш хўжалигини юритиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан амалга оширилади.

77. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳамда овчилик ва балиқ овлаш хўжалигини юритиш устидан идоравий назорат тасарруфида овчилик ва балиқ овлаш хўжаликлари мавжуд бўлган давлат органлари томонидан амалга оширилади.

78. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳамда овчилик ва балиқ овлаш хўжалигини юритиш устидан ишлаб чиқариш назорати овчилик ва балиқ овлаш хўжалигини юритувчи корхоналар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

79. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳамда овчилик ва балиқ овлаш хўжалигини юритиш устидан жамоатчилик назорати овчилар ва балиқ овловчиларнинг

жамоат ташкилотлари томонидан — уларга бириктирилган ер майдонларида ва фуқаролар томонидан амалга оширилади.

80. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг табиатни муҳофаза қилиш давлат инспекторлари, ўрмон қўриқчилиги, давлат овчилик ва ўрмон-овчилик хўжаликлари қўриқчилиги, овчилик-балиқ овлаш хўжаликлари, қўриқхоналар ва табиий боғлар, қўриқланадиган бошқа ҳудудларнинг инспекторлари томонидан амалга оширилади.

81. Табиатни муҳофаза қилиш давлат инспекторлари куйидаги ҳуқуқларга эга: ўгринча овлашни ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш нормалари ва қарорлари бошқача тарзда бузилишини аниқлаш мақсадида ёввойи ҳайвонлар яшайдиган ҳудудни бориб кўриш;

ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларни текшириш, тайёрланган овчилик-балиқчилик маҳсулотларини, ўрмончилар ва ёлланган овчиларнинг қоровулхонасини, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг қоровулхоналари ва биноларини, омборлар ва бошқа иморатларни текшириш, шунингдек транспорт воситаларининг барча турларини кўздан кечириш ва ушлаб туриш;

ихтиёрида қурол, овчилик-балиқчилик маҳсулотларини овлаш ва балиқ овлаш қуроллари бўлган барча шахслардан ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш учун берилган ҳужжатларни кўрсатишни, улар томонидан ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши муносабати билан ёзма тушунтиришлар берилишини талаб этиш;

мазкур Низом, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш қоидалари, нормалари, муддатлари ва бошқа талаблари бузилишини бартараф этиш тўғрисида ҳайвонот дунёси объектларидан барча фойдаланувчилар бажариши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

мазкур Низом ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа талаблар бузилган ҳолларда ноқонуний тутилган маҳсулотларни белгиланган тартибда олиб қўйиш ҳамда тайёрлов ва савдо ташкилотларига бериш, шунингдек ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни олиб қўйиш;

ўтказилган текшириш тўғрисида далолатномалар ва маъмурий қонунбузарликлар тўғрисида протоколлар тузиш;

ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва уларни кўпайтириш бўйича фойдаланувчилар томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирларни назорат қилиш;

амалга ошириш чоғида «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, мазкур Низом ҳамда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича бошқа қонун ҳужжатлари талаблари бузилган ишларни тўхтатиб қўйиш;

мазкур Низом ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда ундан фойдаланиш тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларини бузганларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш ва қонунни бузишлар тўғрисидаги материалларни тегишли органларга юбориш;

хизмат бўйича берилган ўқотиш қуролини ва унга ўқ-дориларни белгиланган тартибда олиб юриш.

82. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича давлат инспекторлари юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларига риоя қилишга ва ўз фаолиятини берилган ваколатлар доирасида амалга оширишга мажбурдир.

83. Ноқонуний ов қилиш ёки балиқ тутиш орқали ҳамда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача

тарзда бузиш орқали ҳайвонот дунёсига етказилган зарар ҳайвонни табиий яшаш муҳитидан ноқонуний ажратиб олиш (отиш, овлаш) деб ҳисобланади. Етказилган зарар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириб олинади.

84. Ноқонуний ов қилиш ёки балиқ тутишнинг аниқланган маҳсулоти олиб қўйилади ва қонун бузилишини аниқлаган шахсларда тақдирлаш сифатида қолдирилади (қўпи билан бир бош туёқли ҳайвон гўшти, умумий оғирлиги 5 килограммдан ортиқ бўлмаган микдордаги ёввойи қуш, балиқ), тайёрлов ташкилотларига топширилиши шарт бўлган мўйна бундан мустасно. Туёқли ҳайвонларнинг бошқа гўшти ва балиқ тайёрлов ва савдо ташкилотларига, болалар уйларига, кексалар уйларига, мактаблар ва касалхоналарга белгиланган тартибда топширилади.

85. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларини, уларнинг қисмлари, ўлжалар, тулумлар, ҳаёт фаолияти маҳсуллари, зоология коллекциялари қонуний сотиб олинганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда ноқонуний олиб чиқиб кетиш ёки олиб киришга, ташиш ва жўнатишга уринишда айбдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавоб берадилар.

86. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик назоратини амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб қўйилган ҳужжатларнинг материалларини (баённомалар, қонунни бузишлар тўғрисидаги далолатномалар), шунингдек олиб қўйилган қурол-яроғларни ва ноқонуний овлаш ва балиқ овлаш маҳсулотларини, жиноят белгилари мавжуд бўлган тақдирда, маъмурий ҳуқуқни бузишлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органларга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига беришлари керак.

Олиб қўйилган қурол-яроғлар ва ўқ-дорилар белгиланган тартибда ички ишлар органларига топширилади.

Ноқонуний ов қилаётган ёки балиқ тутаятган шахсларни ушлашда ҳужжатлар, қурол-яроғлар, ов қилиш ва балиқ овлаш анжомлари ва маҳсулотларини олиб қўйиш ва фойдаланилаётган транспорт воситаларини ушлаб туриш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

87. Мазкур Низомнинг, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

88. Ҳайвонот дунёсига зарар етказган шахслар зарарни мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ қоплашга мажбурдир. Зарарнинг қопланиши айбдорларни жавобгарликдан озод қилмайди.

Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиб кетиш ҳамда овчилик-балиқчилик хўжалигини юритиш тартиби тўғрисида  
низомига  
1-ИЛОВА

### Ёввойи ҳайвонлар тутилганлиги учун тўловлар миқдори

Ҳайвонларнинг турлари	Жинси ва ёшидан қатъи назар 1 та ёввойи ҳайвонни тутиш нархи			
	Энг кам иш ҳақиға нисбатан коэффициент			Хорижий фуқаролар ва юридик шахслар учун (АҚШ долларида)
	Тайёрлов нархлари	Спорт мақсадида ва бошқа мақсадларда тутиш	Илмий мақсадларда тутиш	
1	2	3	4	5

#### Қизил китобга киритилган СУТ ЭМИЗУВЧИЛАР

Қоплон, таргил сиртлон, қор қоплони	-	300	250	30000
Бурама шохли эчки ёки морхўр, Северцов қўйи, Бухоро бугуси (хонгул), Тяньшань қўйи, Устюрт қўйи, тожик қўйи	-	120	100	7000
Тяньшань қўнғир айиғи, Ўрта Оснё қундузи, Туркистон силовсини, қорақулоқ, асалхўр	-	100	70	2000
Мензбир суғури, жайрон	-	70	50	1500
Қизил китобга киритилган сутэмизувчиларнинг бошқа турлари	-	50	30	1000

#### Бошқа турлари

Манул (ёввойи мушук), саҳро мушуги, олакўзан, қизил бўри	-	40	20	800
Тоғ эчкиси	2	2	0.5	500 (450)
Тўнғиз	2	2	0.5	300 (250)
Буғу	1	1	0.2	120 (100)
Сайғоқ	0.1	0.1	0.05	250 (200)
Тоғ сувсари, қорақўзан, қизил суғур, оқсувсар	0.5	0.5	0.1	50
Ондатра	0.03	0.03	0.02	50
Тулки, чиябўри, ёввойи мушуклар, чўл сассиққўзани	0.3	0.3	0.05	20
Бўри	-	-	-	-
Бўрсик, жайра, сув каламуши	0.05	0.05	0.01	75
Қуён, ариқ сичқони	0.03	0.03	0.01	10
Типратикан, кўршاپалак, ўрмон соняси	0.01	0.01	0.005	1

Ўрмон, қишлоқ ва овчилик хўжалиги зарарку-нандаларига, хавfli инфекцияларни тарқатувчиларга кирмайдиган бошқа сутэмизувчилар

#### Қизил китобга киритилган ПАРРАНДАЛАР

Шохин, итолғи, лочин, тувалоқ-дудаги, рангдор тувалоқ, безгалдак	-	100	10	5000
Оққуш, соқақушлар, қор калхати (қумай), лайлаклар, балиқхўр йирик паррандалар, сув бургутлари, кичик бургут, ўлимтиқхўр бургут, чўл бургути, болтаютар, бургут, қирғий, илонхўр, оқбошли қумой, чўл бўк-таргиси, катта подорлик, оққорин булдуруқ, Зарафшон қирғовули, япалоққуш, мрамрранг чуррак, краснозобая казарка (ёввойи ғоз тури), оққўз ботқалдоқ (балиқчи ўрдак), кичик оқ қарқара, қошиқбурун, қоравой, қизил ғоз (фламинго), қорабош чағалай, чийилдоқ ғоз	-	50	8	1000
Бошқа турлари	-	30	5	500

1	2	3	4	5
<b>Паррандаларнинг бошқа турлари</b>				
Турна, укки, бошқа йиртқич паррандалар, кичик оққуш	10	10	3	100
Бойўгли (бойқуш), қарқара, қарга, клушица (оқ чор- лоқнинг бир тури), Альп зогчаси, сухонос ғоз	5	5	2	50
Қирғовуллар	0.05	0.05	0.05	15
Улар	0.02	0.02	0.01	15
Ғозлар	0.02	0.02	0.01	5
Ўрдақлар, чуррақлар, қашқалдоқ, каклик, қорақорин буддуруқ, сажа	0.01	0.01	0.005	1
Йилқичи	0.01	0.01	0.005	50
Каптар, кумри (ғуррак), балиқчи қуш, катта бақлан, қўнғирлар, қамишзор қуши, бедана, кўлбуқалар, чера- гатлар	0.006	0.006	0.003	1
Паррандаларнинг бошқа турлари	0.1	0.1	0.005	2
Паррандалар тухуми	бир дона тухум учун ҳайвоннинг мазкур тури қийматининг 30 фоизи			
<b>Қизил китобга киритилган СУДРАЛИБ ЮРУВЧИЛАР</b>				
Кобра, кулранг эчкиэмар	-	-	5	1000
Бошқа камёб турлари	-	-	2	500
<b>Бошқа турлари</b>				
Эфа, қалқон илон, қора илон, гюрза	1	-	1	100
Заҳарсиз илонлар	0.1	-	0.05	15
Тошбақа	0.03	-	0.02	2
	экспорт учун 0.5 АҚШ \$			
Яшчурки, геккон, калтакесак, агама ва бошқа турлари	0.02	-	0.005	1
Судралиб юривчилар тухуми	бир дона тухум учун ҳайвоннинг мазкур тури қийматининг 30 фоизи			
<b>Қуруқликда ва сувда яшовчилар</b>				
Қурбақалар, бақалар	0.02	-	0.001	0.1
<b>Қизил китобга киритилган БАЛИҚЛАР</b>				
Орол сўзан балиғи, Орол бакра балиғи, чаклик (тошбакра), Орол кумжаси, чўртанбалиқчисимон оққайроқ, Туркистон сўзан балиғи	-	-	5	2000
Бошқа турлари	-	-	1	1000
<b>Саноатбоп балиқлар</b>				
Лаққа балиқ, хумбош балиқ, зогорабалиқ, оққайроқ, пелядь, олабуға, қорабалиқ, гулмоҳи балиқ, оқ амур	0.5	0.05	0.02	15
Карп, товонбалиқ, Самарқанд хромуласи, илонбош, лешч, чўртанбалиқ, тарашабалиқ, мой балиқ, қизилкўз	0.3	0.03	0.01	10
Қизилқанот ва бошқа арзонбаҳо балиқлар	0.2	0.001	0.005	1
Изоҳ: балиқ тутишга рухсатнома берилганлиги учун ундириладиган пул қуйидагича кўрсатилган: биринчи устунда тайёрлов мақсадлари учун 1 центнер учун, иккинчи устунда спорт-ҳаваскорлик мақсадлари учун белгиланган бепул нормадан ортиқча 1 кг учун ва бошқа мақсадлар учун 1 бош учун				
<b>Умуртқасиз жониворлар</b>				
Қизил китобга киритилган умуртқасиз жониворлар	-	-	0.05	60
Заҳарли умуртқасиз жониворлар	0.01	-	0.005	3
Дарё қисқичбақаси	0.005	0.005	0.001	1
Бошқа қисқичбақасимонлар (1кг учун)	0.05	0.02	0.01	3
Қисқичбақасимонларнинг тухумлари (1 кг учун)	0.8	-	0.5	5

1	2	3	4	5
---	---	---	---	---

**Умуртқасиз жониворлар**

Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги зараркуналарига,  
хавфли инфекцияларни тарқатувчиларга крмайдиган  
бошқа умуртқасиз жониворлар

0.01      0.01      0.001      0.5

Мумиё (1г учун)

0.05      -      0.005      1

Ёввойи ҳайвонларни тиббиёт мақсадларида тутиш (одам ва ҳайвонларнинг хавфли касалликларини ташувчилар) бепул амалга оширилади.

Урчитил, қўпайтирил ёки қайта мослаштирил мақсадида тутиладиган ҳайвонларга рухсатнома берилганлиги учун тўлов миқдори мазкур тур учун дастлаб ундириладиган пулнинг 20 фоизини ташкил этади.

Туёқли ҳайвонларни тутишга рухсатнома берилганлиги учун тўлов миқдори, долларда: биринчи рақам — биринчи ҳайвон учун ундириладиган пул, иккинчи рақам (қавсда) – иккинчи ва кейинги ҳайвонларни тутганлик учун.

Мўйна тайёрлаш мақсадида ҳайвонларни тутишга рухсатнома берганлик учун тўлов миқдори: тоғ сувсари, қорақўзан, қизил суғур, оқсувсар, ондатра, тулки, қорсақ, чиябўри, ёввойи мушуклар, чўл сассиққўзани, ариқ сичқони – спорт мақсадларида тутиладиган ҳайвонларнинг мазкур турлари қийматининг 50 фоизини ташкил этади.

Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиб кетиш ҳамда овчилик-балиқчилик хўжалигини юритиш тартиби тўғрисида  
низомга  
2-ИЛОВА

**Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш тартиби бузилиши сабабли етказилган зарар миқдорини ҳисоблаш учун тўловлар миқдори**

Ҳайвонларнинг турлари	Ёши, катталиги, оғирлиги ва жинсидан қатъи назар ҳар бир ҳайвон (каллеси, териси, шохи ва бошқалар) учун ундириш миқдори	
	Ўзбекистон фуқаролари ва ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланмайдиган юридик шахслар учун энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент	Хорижий фуқаролар ва юридик шахслар, шунингдек Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслари учун (АҚШ долларларида)
1	2	3

**Қизил китобга киритилган  
СУТЭМИЗУВЧИЛАР**

Қоплон, тарғил сиртлон, қор қоплони	500	40000
Бурама шоҳли эчки (морхўр)	400	30000
Ўрта Осиё қундузи, Туркистон силовсини, қорақулоқ, Мензбир суғури, асалхўр, Бухоро буғуси (хонгул)	300	25000
Северцов қўйи, Тяньшань қўйи, Устюрт қўйи, тожик қўйи, Бухоро қўйи, жайрон, Тяньшань қўнғир айиғи	250	20000
Қизил китобга киритилган сутэмизувчиларнинг бошқа турлари	100	10000



1	2	3
<b>Алоҳида муҳофаза қилинадиган сүтэмизувчилар</b>		
Олакўзан, манул (ёввойи мушук), сахро мушуги, қизил бўри, бошқа турлари	75	2500
<b>Овчилик-саноат турлари</b>		
Тоғ эчкиси	50	1000
Тўнгиз	50	800
Бугу	50	700
Тоғ сувсари, қоракўзан, қизил сугур, оқсувсар	25	150
Тулки, корсак, чиябўри, сув каламуши, ёввойи мушуклар, чўл сассиқкўзани, ондатра	20	100
Бўри	-	100
Бўрсиқ, жайра	10	75
Қуён, ариқ сичқони	5	50
Типратикан, кўршапалак, ўрмон сояси	2	25
Ўрмон, қишлоқ ва овчилик хўжалиги зараркуналларига, хавfli инфекцияларни тарқатувчиларга кирмайдиган бошқа сүтэмизувчилар	2	20
Сайгоқ, кийик, жайрон, бугу, эчки, қўчқор шохлари	бир жуфт шох ва жуфт бўлмаган ҳар бир алоҳида шох мазкур ҳайвоннинг калласига мувофиқ келади	
Мўйна буюмлар	мазкур буюмдаги терилар сони бўйича	
Айиқ, бўрсиқ, сугур, жайра ёғи (100г учун)	3	10
Айиқ сафроси (хом ашё ҳолида 1г учун)	1	20
<b>Қизил китобга киритилган ПАРРАНДАЛАР</b>		
Шахин, итолги, сапсан	250	15000
Тувалоқ-дудаги, рангдор тувалоқ, безгалдак	200	7500
Оққуш, соқақушлар, қор калхати (қумай), лайлаклар, скопа, кичик бургут, ўлимтихўр бургут, чўл бургути, болтаютар, бургут, қирғий, илонхўр, оқбошли қумай, япалоққуш, қошиқбурун, кичик оқ қарқара, сариқ қарқара, стерх, оққорин булдуруқ, мармарранг чуррак, қоравой, краснозобая казарка (ёввойи ғоз тури), оқкўз ботқалдоқ (балиқчи ўрдак), фламинго (қизил ғоз), чийилдоқ ғоз, Зарафшон қирғовули, бошқа камёб турлари	150	3000
<b>Спорт мақсадида овлаш тақиқланган, алоҳида муҳофаза қилинадиган паррандалар</b>		
Турна, улки, бошқа йиртқич ва бойўгли қушлар, сухонос ғоз, сахро қарғаси, қора қарға.	50	500
Ракошесимонлар, қарқаранинг бошқа турлари, клушица (оқ чарлоқларнинг бир тури), Альп зогчаси	30	250
<b>Овланадиган турлари</b>		
Қирғовул, улар, ғозлар	5	150
Ўрдаклар, чурраклар, қашқалдоқ, каклик, черагатлар, қамишзор қуши, қорақорин рябок, сажа	2	50
Каптар, қумри (гуррак), балиқчи қуш, қўнғирлар, қамишзор қуши, бадана, кўлбуқалар	0.5	20
<b>Бошқа турлари</b>		
Қушларнинг бошқа турлари	1	50
<b>Қизил китобга киритилган СУДРАЛИБ ЮРУВЧИЛАР</b>		
Кобра, кулранг эчкиэмар	100	2000
Бошқа камёб турлари	75	1500

1	2	3
<b>Бошқа турлари</b>		
Гюрза	50	500
Эфа, қалқон илон, қора илон	40	400
Заҳарсиз илонлар	20	300
Тошбақа	5	150
Яшчурки, гекконлар, калтакесак, агама ва бошқа турлари	3	100
<b>Қуруқликда ва сувда яшовчилар</b>		
Қурбақалар, бақалар	0.2	50
<b>Қизил китобга киритилган БАЛИҚЛАР</b>		
Орол сўзан балиғи, Орол бакра балиғи, чаклик (тошбақра), чўртанбалиқсимон оққайроқ, Туркистон сўзан балиғи	20	3000
Балиқларнинг бошқа турлари	15	2000
<b>Саноатбоп балиқлар</b>		
Лаққа балиқ, хумбош балиқ, оқ амур (10 кг ва ундан ортиқ)	10	200
Лаққа балиқ, хумбош балиқ, оқ амур (10 килограммгача)	4	100
Зогорабалиқ, оққайроқ, гулмоҳи балиқ, пелядь, қалқонбалиқ	2	100
Олабуга, қорабалиқ, буффало, илонбош, чўртанбалиқ	1	75
Карп, товонбалиқ, Самарқанд хромуласи, лешч	0.8	25
Тараша балиқ, мой балиқ, қизилкўз	0.5	20
Белоглазка, қизилқанот ва бошқа арзонбаҳо балиқлар	0.1	10
Балиқ увулдириғи (1 кг учун)	10	250
<b>Умуртқасиз жониворлар</b>		
Қизил китобга киритилган умуртқасиз жониворлар	50	1000
Заҳарли умуртқасиз жониворлар	20	100
Дарё қисқичбақаси	2	50
Бошқа қисқичбақасимонлар (1кг учун)	5	500
Қисқичбақасимонлар тухуми (1кг учун)	10	700
Коллекция ва музей аҳамиятига эга бўлган турлари	халқаро каталоглар нархлари бўйича	
Ўрмон, қишлоқ ва овчилик хўжалиғи зараркунандаларига, хавфли инфекцияларни тарқатувчиларга кирмайдиган бошқа умуртқасиз жониворлар	2.5	10
Умуртқасиз жониворлар ва илонлар заҳари	1 г заҳар олиш учун зарур бўлган бош сони ҳисобида ҳайвонлар тутилганлиғи учун қийматининг 1 баравари миқдорида	
Мумиё (1г учун)	1.5	5
Қўриқхона, миллий (халқ) боғи, заказник, табиат ёдгорликлари, питомник ҳудудида, заповедникнинг қўриқланадиган зонасида ва муҳофаза қилинадиган бошқа табиий ҳудудларда уяларни, инларни, катакларни бузганлик учун, ҳайвонларни овлаганлик учун	мазкур тур учун ундириладиган зарар суммасининг 3 баравари миқдорида	
Олинган ҳар бир тухум ва жўжа учун, шунингдек Қизил китобга киритилган ноқонуний овланган она қушларнинг ҳар бир эмбриони ёки судралиб юриувчи ҳайвонлар тухуми учун	мазкур тур учун ундириладиган зарар суммасининг 50 фоизи миқдорида	

1	2	3
Олинган ҳар бир тухум ва жўжа учун, шунингдек овлаш тақиқланган ноқонуний овланган тутилган она қушнинг ҳар бир эмбриони учун	мазкур тур учун ундириладиган зарар суммасининг 25 фоизи миқдорида	
Олинган ҳар бир тухум ва жўжа учун, шунингдек қонунсиз тутилган она қушнинг ҳар бир эмбриони учун	мазкур тур учун ундириладиган зарар суммасининг 20 фоизи миқдорида	
Ёввойи ҳайвонлар яшаши учун хос бўлмаган шароитда (музликда, сувда ва ҳоказо) фалокатга учраганда (ёнгин, сув тошқини, озуқа етишмаслиги ва бошқалар), шунингдек ёритиш асбобларини қўллаб транспорт воситалари, моторли қайиқлар ва катерлар, самолётлар ҳамда вертолётлар воситасида уларни тунда нобуд қилганлик учун	мазкур тур учун ундириладиган зарар суммасининг 3 баравари миқдорида	
Тақиқланган даврда балиқ тутганлик учун	мазкур тур учун ундириладиган зарар суммасининг 2 баравари миқдорида	
Ёввойи ҳайвонлар яшайдиган жойлардаги қамишлар ва ялангликларни, ўтларни ёққанлик ҳамда шудгорлаганлик учун (1га учун)	2 муҳофаза қилинадиган табиий муҳитларда сумма икки баравар кўпаяди	100
Ёввойи ҳайвонлар яшайдиган тўқайларни, табиий ҳолда кўпаядиган ўрмон дарахтлари ва ниҳолларни, буталарни, бошқа ўсимликларни ёққанлик, кундаков ва пайҳон қилганлик учун (1га учун)	3 муҳофаза қилинадиган табиий муҳитларда сумма уч баравар кўпаяди	300

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 28 октябрдаги 508-сон қарорига  
З-ИЛОВА

**Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланганлик  
учун тўлов сифатида тушган маблағларни, жарима суммалари ва  
табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини  
бузганлардан етказилган зарар учун ундирилган суммаларни  
тақсимлаш тўғрисида  
НИЗОМ**

1. Ёввойи ҳайвонларни тутиш ва Ўзбекистон Республикасининг ташқарисига олиб кетиш учун рухсатнома бериш ва ёввойи ўсимликларни олиб кетиш учун тўлов ундиришдан олиннадиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича республика давлат инспекциясининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади, ундан:

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ўсимликларнинг турлари учун 75 фоизи республика бюджети даромадига ва 10 фоизи Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига ўтказилади;

ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ўсимликларнинг бошқа турлари учун 50 фоизи маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказилади.

2. Ёввойи ҳайвонларни бошқа жойга кўчириш ёки урчитиш учун тутишга рухсатнома берилганлиги учун тушадиган маблағлар, 100 фоиз миқдорида:

Давлат овчилик фондининг ташкил этилмаган овчилик-балиқ овлаш майдонларида овлашда — Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича республика давлат инспекциясининг махсус ҳисоб рақамига;

овчилик-балиқ овлаш хўжаликларида овлашда — ушбу хўжаликни юритувчи овчиликдан фойдаланувчининг ҳисоб рақамига;

давлат ўрмон фонди ерларида овлашда — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жарима солишдан ундирилган ва ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун ундирилган маблағлар 100 фоиз миқдорда:

ҳуқуқни бузиш давлат кўриқхонаси ҳудудида содир этилган тақдирда — унинг ҳисоб рақамига;

фойдаланувчиларга бириктирилмаган ер майдонларида ҳуқуқни бузиш содир этилган тақдирда — қонун ҳужжатларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмиталари ҳисоб рақамларига;

овчилик-балиқ овлаш хўжаликларида ҳуқуқни бузиш содир этилган тақдирда — овчилик-балиқ овлаш хўжалигини юритувчи фойдаланувчининг ҳисоб рақамига;

давлат ўрмон фонди ер майдонларида ҳуқуқни бузиш содир этилган тақдирда — амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳисоб рақамига ўтказилади.

Қолган барча ҳолларда — қоида бузарлик ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган кўриқхоналар ҳудудида табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан очилган ҳоллардан ташқари, ер майдонларининг тегишлилигидан қатъи назар, жарималар ва етказилган зарардан тушадиган барча сумма Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича республика давлат инспекциясининг махсус ҳисоб рақамига тушади, ундан жарима тўлашдан тушган сумманинг 50 фоизи Республика бюджетига ўтказилади.

4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жарима суммаларини ва ҳайвонот дунёсига етказилган зарар қопланиши учун маблағларни ундиришда, суд ижрочилари томонидан мажбурий тартибда тушган маблағларни тақсимлаш қонунчиликнинг бошқа ҳужжатлари талаблари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

5. Мусодара қилинган ов ва балиқ овлаш қуроллари, ноқонуний ов қилиш ва балиқ овлаш натижасида олиб қўйилган махсулотларни сотишдан ҳамда ўсимлик дунёси объектларидан ноқонуний фойдаланишдан олинган махсулотларни сотишдан тушган маблағлар қонун ҳужжатларига мувофиқ тақсимланади.

6. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини аниқлаган барча шахсларга табиатни муҳофаза қилиш органлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, давлат кўриқхоналари, овчилик-балиқ овлаш хўжалигини юритувчи юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларига зарарни ундиришдан ва пул жаримасидан тушадиган сумманинг 30 фоизигача (ҳайвонот дунёси бўйича) ва 10 фоизигача (ўсимлик дунёси бўйича) тўланади. Қизил китобга киритилган ҳайвонларни ноқонуний овлаганлик учун даъво бўйича муко-

фот пули зарарни тўлаш ва пул жаримаси суммасининг 20 фоизи, ўсимликлар бўйича эса — 5 фоизи миқдорида тўланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Хайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича республика давлат инспекциясининг махсус ҳисоб рақамидан маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тасдиқландиган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган смета бўйича сарфланади.

Махсус ҳисоб рақами маблағларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишув бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тасдиқланади.

8. Календарь йил охиридаги махсус ҳисоб рақамининг фойдаланилмаган маблағлари қолдиғи хизмат кўрсатувчи банкнинг ҳисоб рақамида қолади, ёпилмайди ва олиб қўйилмайди, кейинги йилга ўтадиган қолдиқ ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 28 октябрдаги 508-сон қарорига  
4-ИЛОВА

### **I. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ССЖ ҳудудида ов қилиш ва овчилик-балиқ овлаш хўжалигини юритиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1991 йил 10 апрелдаги 95-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1991 й., 4-сон, 10-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ва уларнинг баъзиларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 1993 йил 30 августдаги 436-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1993 й., 8-сон, 33-модда) 2-илованинг 5-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликларни муҳофаза қилишни кучайтириш ҳамда улардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1993 йил 15 декабрдаги 600-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 15 декабрдаги 600-сон қарорига қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1995 йил 24 апрелдаги 145-сон қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ва «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ва айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 1998 йил 27 мартдаги 136-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 3-сон, 13-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришларнинг 9-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб

ҳисоблаш тўғрисида» 2000 йил 14 апрелдаги 149-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 4-сон, 20-модда) илованинг 10-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига ажратмаларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 25 октябрдаги 499-сон қарорига 3-илованинг 1 ва 5-бандлари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 100-модда).

## II. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1993 йил 24 майдаги 246-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1993 й., 5-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тўғрисидаги низомнинг 5-бандида:

олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган жисмоний ва юридик шахслардан маъмурий ва суд тартибида ундирилдиган жарималар ва пул суммаларининг 50 фоизи, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш билан боғлиқ қонун бузилишлари учун ундирилдиган жарималар ва пул суммалари бундан мустасно»;

ўн биринчи хатбошидаги «ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш ҳақидаги» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 31 мартдаги 137-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича экспорт ва импорт қилинадиган махсус товарлар (ишлар ва хизматлар) рўйхатининг 6-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Қизил китобга киритилган ёввойи ўсимликларни, уларнинг қисмлари ва маҳсулларини экспорт қилиш

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Ёввойи ўсимликлар, уларнинг қисмлари ва маҳсуллари, ботаника коллекциялари импорти, шунингдек ёввойи ҳайвонлар, уларнинг қисмлари, улар ҳаётий фаолиятининг маҳсуллари, коллекциялар ва ўлжалар экспорти ва импорти

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат табиатни муҳофаза  
қилиш қўмитаси».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **460** Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

### [Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 29 сентябрдаги Ф–2047-сон фармойишига мувофиқ махсус комиссия истеъмолчиларнинг истеъмол қилинган электр энергияси учун тўловларининг ҳамда энергия билан таъминловчи ташкилотлар билан ҳисоб-китобларининг аҳолини танқидий ўрганиб чиқди. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси томонидан кўрилган чора-тадбирларга қарамай ҳисоб-китоблар интизомининг бузилиши ҳоллари давом этмоқда, етказиб берилган электр энергияси учун тўловни ўз вақтида тўламаган истеъмолчиларни энергия манбаидан узиб қўйишга доир талаблар бажарилмаяпти, тўлов муддати ўтган дебиторлик қарзлар кўпаймоқда. Берилаётган ва истеъмол қилинаётган электр энергиясини ҳисобга олишнинг мақбул тизими мавжуд эмас. Амалдаги ўзаро ҳисоб-китоблар механизми эскирган, у истеъмол қилинган энергия учун маблағларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушишини, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши учун зарур даражадаги жавобгарликни таъминламайди.

Етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш соҳасидаги аҳволни тубдан яхшилаш, тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш ҳамда берилган электр энергияси учун истеъмолчилар қарзларининг кўпайишига йўл қўймаслик, ҳам электр энергияси етказиб берувчиларнинг, ҳам истеъмолчиларнинг шартномавий мажбуриятларга риоя этилиши учун жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2005 йил 1 январдан бошлаб солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун жавобгарликка тортишнинг белгиланган тартиби истеъмол қилинган электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган тўловларга йўл қўйган юридик шахсларга татбиқ этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига тўлов муддати ўтган қарзларни йиғиш ва юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун маблағларнинг тўлиқ тушишини назорат қилиш функцияси юклансин.

Белгилаб қўйилсинки, юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган қарзлар «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси бўлинмалари томонидан ҳар ойда тақдим этиладиган тўлов талабномалари тўғрисидаги реестрлар бўйича юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан сўзсиз тартибда ундириб олинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда бир ой муддатда «Энергия билан таъминловчи ташкилотлар томонидан давлат солиқ хизмати органларига ундириб олиш чора-тадбирларини кўриш учун муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлар тўғрисида ахборот тақдим этиш тартиби тўғрисида»ги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

2. 2005 йил 1 январдан бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи тартиб белгилансин:

электр энергияси истеъмолчиси бўлган барча юридик шахслар истеъмол қилинган электр энергияси учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ҳар ойда, календарь ой тамом бўлгандан кейин 30 кун мобайнида тўлиқ ҳисоб-китоб қилишга мажбурдирлар;

белгиланган 30 календарь кундан ортиқ муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтказиб юборилган сумманинг 0,1 фоизи миқдориди, электр энергияси махсус тартибга кўра бериладиган 1-иловага\* мувофиқ корхоналар учун эса — 0,2 фоиз миқдориди пеня ҳисобланади;

уй-жойлар ва квартираларнинг олди-сотди шартномаларини рўйхатдан ўтказиш фақат энергия, табиий газ ва бошқа коммунал хизматлар учун қарзлар тўлиқ тўлангандан кейин амалга оширилади.

3. 2005 йил 1 январдан бошлаб:

электр энергияси беришга шартнома тузмаган ва шартномада назарда тутилган электр энергияси ҳажми қийматининг камида 30 фоизини олдиндан тўламаган;

«Ўзстандарт» агентлиги органлари томонидан текширилган истеъмол қилинадиган энергияни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган;

ҳисоб-китоб қилиш оyi тамом бўлгандан кейин 30 кун мобайнида истеъмол қилинган электр энергияси учун тўланмаган қарзи мавжуд бўлган;

шартномада назарда тутилган миқдордан ортиқча электр энергияси истеъмол қилган юридик шахсларга электр энергияси бериш тақиқлансин.

4. Тўлов муддати ўтган қарзлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларга электр энергияси етказиб беришни тўхтатиб қўйиш бўйича талабларга риоя этилиши учун шахсан жавобгарлик «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ва ҳудудий электр энергияси сотиш корхоналари раҳбарлари зиммасига юклансин.

30 кундан ортиқ қарздорлик мавжуд бўлганда «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси тизими ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ходимларига истеъмолчилар узиб қўйилмаганлиги ва уларга электр энергияси берилганлиги учун — ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизи миқдориди жарима жазолари белгиланадиган, ушбу ҳолат такрорланганда эса — улар эгаллаб турган лавозимидан озод этиладиган ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладиган тартиб белгилансин.

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси 2004 йил 31 декабрда тегишли мансабдор шахслар билан меҳнат шартномаларида ишлаб чиқариладиган ва бериладиган электр энергиясининг сақланиши, технологик йўқотишлар параметрларига риоя этилиши учун моддий жавобгарликни назарда тутсин.

5. Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва у 2005 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

6. Белгилансинки, аҳоли истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловни ўз танловига кўра, чекловларсиз тижорат банки муассасаларида ва тўловларни қабул қилиш кассаларида амалга оширадilar.

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзкоммуналхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, аҳолига коммунал хизматлар кўрсатувчи тузилмалар, тижорат банклари истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда коммунал хизматлар учун аҳолидан тўловларни қабул қилиш бўйича барча мавжуд чеклашларни олиб ташласинлар.

Аҳолига мумкин қадар қулайликлар яратиш мақсадида тижорат банкларига электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда коммунал хизматлар учун тўлов-



ларни қабул қилиш бўйича мини-банклар ва тижорат банклари филиалларининг махсус кассаларини очиш ва уларнинг нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш тавсия этилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тижорат банкларига аҳолидан коммунал тўловларини қабул қилиш бўйича мини-банклар ва махсус кассалар очишда ёрдам кўрсатсинлар ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига 2005 йил 1 июлгача ахборот берсинлар.

7. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари уч ой муддатда электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ, бошқа коммунал хизматлар, шунингдек алоқа хизматлари учун тўловларни қабул қилиш бўйича аҳолига хизмат кўрсатиш мақсадида тижорат банклари билан шартномалар тузсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин; идоравий норматив ҳужжатлар мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

#### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 1 ноябрь,  
511-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 1 ноябрдаги 511-сон қарорига  
1-ИЛОВА

#### **Электр энергияси махсус тартибга кўра бериладиган истеъмолчи корхоналар рўйхати**

1. «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамияти
2. «Электркимёсаноат» очиқ акциядорлик жамияти (Чирчиқ шаҳри)
3. «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси (Фарғона шаҳри)
4. «Аммофос» очиқ акциядорлик жамияти
5. Навоий кон-металлургия комбинати
6. «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти
7. «Ўзметкомбинат» бирлашмаси
8. «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг минтақавий сув қувурлари бошқармалари
9. «Тошиссиқликэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси
10. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмита, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бўлинмалари

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 1 ноябрдаги 511-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан  
таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом истеъмол қилинган электр энергияси учун ҳисоб-китобларни амалга оширишда энергия билан таъминловчи ташкилот ва электр энергияси истеъмолчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади.

Мазкур Низомнинг амал қилиши маиший истеъмолчилар (аҳоли) томонидан электр энергияси истеъмол қилинишига татбиқ этилмайди.

2. Энергия қурилмалари бевосита етказиб берувчиларнинг тармоқларига уланган абонентларга (истеъмолчиларга) электр энергияси етказиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июндаги 271-сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартнома бўйича амалга оширилади.

Электр энергияси етказиб бериш ва истеъмол қилинган электр энергияси учун ўзаро ҳисоб-китоб қилишда субабонентларнинг абонент ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатлари юқорида кўрсатиб ўтилган Қоидалар ва мазкур Низом билан тартибга солинади.

3. Электр энергияси учун ҳисоб-китоблар барча истеъмолчилар томонидан «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси билан келишилган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

4. Абонентда турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган энергия қурилмалари мавжуд бўлган тақдирда ҳисоб-китоблар уларга тартиб келтирилган линияларда ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари асосида ҳар бир тариф гуруҳи бўйича алоҳида амалга оширилади. Узил-кесил ҳисоб-китоб тасдиқланган тарифларга мувофиқ шартномада қайд этилган тартибда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

5. Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳлари тўғрисидаги низом бузилган ҳолда истеъмолчи энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан бошқа тариф гуруҳига нотўғри ўтказилган тақдирда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

**II. Ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби**

6. Ҳар ойда истеъмолчиларнинг барча тоифаларига электр энергияси етказиб бериш улар шартномага мувофиқ тегишли ойда етказиб берилиши назарда тутилган электр энергияси ҳажми қийматининг камида 30 фоизи миқдорида аванс тўлови тўлагандан кейин амалга оширилади.

Истеъмолчида электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган қарзлар мавжуд бўлган тақдирда, улар томонидан аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маб-

лағлар муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўлашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчининг айби билан шартномада кўрсатилган ҳажмларга нисбатан электр энергияси кам истеъмол қилинганда тўланган аванс маблағлари қайтарилмайди, балки истеъмол қилинган электр энергияси учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

7. Энергия билан таъминловчи ташкилот ҳар ойда абонент билан биргаликда ҳисоб-китоб даври учун тармоқларнинг баланс мансублилиги чегараларида электр энергиясини ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ёзиб олади. Ушбу кўрсаткичларни абонент ҳисоб-китобларга киритади, олинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини ва унинг учун тўланиши керак бўлган суммани улар бўйича аниқлайди.

Ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ёзиб олингандан кейин икки кун муддатда энергия билан таъминловчи ташкилот ва абонент электр энергияси етказиб бериш далолатномасини тузадилар. Бир вақтнинг ўзида ҳисобга олиш приборларининг ёзиб олинган кўрсаткичлари асосида энергия билан таъминловчи ташкилот абонентга счё-фактура ёзиб беради. Абонентда турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир неча объект мавжуд бўлган тақдирда ҳисоб-китоблар ҳар бир объект бўйича ёйиб кўрсатилган ҳолда умумий счё-фактура ёзилади.

8. Энергия билан таъминловчи ташкилот ва электр энергияси истеъмолчиси ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар истеъмолчи томонидан энергия билан таъминловчи ташкилотнинг банкдаги ҳисоб рақамига пул маблағлари ўтказиш йўли билан амалга оширилади, тўловларни мақсадли молиялаштириш схемалари бўйича амалга ошириш, белгиланган тартибда махсус ҳисоб рақамлари орқали ҳисоб-китоб қилиш ҳам шу жумлага киради (мазкур Низомга 1-илова).

9. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёридаги электр энергияси истеъмолчилари бўлган сув билан таъминловчи корхоналар истеъмол қилинган электр энергияси учун энергия билан таъминловчи ташкилот билан ҳисоб-китобларни ҳар ойда ўз маблағлари ҳисобига, ўз маблағлари етишмаган тақдирда, етишмаган маблағларни маҳаллий бюджетлардан олиш йўли билан амалга оширадилар.

Қишлоқ хўжалиги истеъмолчилари (ширкат хўжаликлари, деҳқон, фермер хўжаликлари ва бошқалар) ва «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси корхоналари олинган электр энергияси учун ўз маблағлари билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан биринчи навбатда ажратиладиган махсус ҳисоб рақамлари бўйича мақсадли молиялаштириш маблағлари (траншлар) ҳисобига ҳисоб-китоб қилади (мазкур Низомга 2-илова).

Истеъмолчида валюта маблағлари ва қарзлар мавжуд бўлганда тўлов валюта маблағларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиш ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

10. Истеъмолчилар ой давомида етказиб берилган электр энергияси учун белгиланган тартибда 30 кун мобайнида узил-кесил ҳисоб-китоб қиладилар.

Узил-кесил ҳисоб-китоб кўрсатилган муддатларда амалга оширилмаган тақдирда, энергия билан таъминловчи ташкилот истеъмолчиларга электр энергияси беришни тўхтатади, мазкур Низомнинг 18-бандида кўрсатилган истеъмолчилар бундан мустасно.

Бир вақтнинг ўзида, энергия билан таъминловчи ташкилот электр энергияси етказиб бериш далолатномаси асосида амалга оширилган тўловлар суммасини чи-

қариб ташлаган ҳолда хизмат кўрсатувчи банк орқали ҳисобот ойида етказиб берилган электр энергияси суммасига акцепт билан тўлов талабномаси беради.

11. Истеъмолчилар томонидан олинган электр энергияси қиймати учун ўз вақтида ҳақ тўланмаган тақдирда, энергия билан таъминловчи ташкилот амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,1 фоиз миқдорида, махсус тартибга кўра электр энергияси бериладиган корхоналар учун — 0,2 фоиз миқдорида пеня ҳисоблайди.

Пеня шартномада берилган электр энергияси учун узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш (тўлов)нинг қайд этилган муддати тамом бўлгандан кейинги кундан бошлаб ҳисобланади.

12. Истеъмолчилар ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларда энергия билан таъминловчи ташкилот фойдасига ҳисобот даврида шартномада кўрсатилган миқдорнинг 5 фоизидан 10 фоизигача ортиқча истеъмол қилинган электр энергияси учун белгиланган тарифнинг 50 фоизи миқдорида, шартномада кўрсатилган миқдорнинг 10 фоизидан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси учун белгиланган тарифнинг 100 фоизи миқдорида жарима санкциялари тўлаш назарда тутилади (агар абонент томонидан истеъмол қилинган электр энергиясининг бутун ҳажми учун олдиндан ҳақ тўланган бўлса), мазкур Низомнинг 13-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

13. Истеъмолчининг таклифига кўра мўлжалланаётган ўзгартиришлардан камида 10 кун олдин (жорий ой тамом бўлишигача) электр энергиясининг шартномавий ҳажмлари ўзгартирилиши ва, агар, электр энергиясининг тегишли ҳажми учун олдиндан ҳақ тўланган бўлса, тўлиқ олмаслик ёки ортиқча олиш деб ҳисобланмайди.

14. Истеъмолчилар ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги шартномаларда, ҳисоб-китоб даврида электр энергияси шартномадаги миқдорнинг 5 фоизидан кўп миқдорда тўлиқ олинмаганда (давлат бюджетидан молиялаштирилдиган ташкилотлар бундан мустасно) ёки тўлиқ берилмаган тақдирда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ жарима санкциялари назарда тутилади.

15. Ҳисоб-китоб даврида ортиқча олинган/тўлиқ олинмаган (тўлиқ берилмаган) электр энергияси ҳажми истеъмолчининг ҳисоботи ёки солиштириш далолатномаси билан тасдиқланган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади, бу жарима миқдорини ҳисоблаш учун асос ҳисобланади.

16. Энергия билан таъминловчи ташкилот жарима санкциялари бўйича алоҳида ҳисобни юритади, уларни ҳисоботларда алоҳида устунда акс эттиради, улар бўйича алоҳида тўлов талабномаларини расмийлаштиради ва тақдим этади.

17. Электр энергиясининг сифати, шунингдек истеъмолчилар томонидан реактив энергия истеъмоли ва генерацияси учун тарифи бўйича чегиришлар ва устамалар Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ ҳисобланади.

18. Электр энергиясини узиб қўйиш техноген ва авария оқибатларига олиб келиши мумкин бўлган, алоҳида хавfli ва узлуксиз технологик жараёнга эга бўлган саноат корхоналарининг тўлов муддати ўтган қарзлари вужудга келган тақдирда ҳақи тўланмаганлиги учун электр энергияси берилишини чеклаш, белгиланган тартибда, энергия билан таъминлашнинг технология ва авария брониғача, тўлиқ узиб қўйиш эса — фақат суд қарорига кўра амалга оширилиши мумкин.

Энергия билан таъминловчи ташкилотлар ва электр энергияси истеъмолчилари томонидан имзоланган технология ва авария брони далолатномалари шартноманинг узвий қисми ҳисобланади.

### III. Сотиладиган электр энергияси бўйича ҳисобга олиш ва ҳисобот

19. Қўйидагилар энергия билан таъминловчи ташкилотнинг истеъмолчилар билан ўзаро ҳисоб-китоблар соҳасидаги асосий вазифалари ҳисобланади:

- а) текширишдан ўтган, актив ва реактив энергияни ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларига мувофиқ электр энергияси ҳисобини белгиланган тартибда юритиш;
- б) счёто-фактураларни расмийлаштириш;
- в) тўлов талабномаларини тайёрлаш, расмийлаштириш ва уларни берилган электр энергияси қийматини ва жарима санкцияларини (ортиқча, кам олганлик учун, пеня) тўлаш учун банкка тақдим этиш;
- г) тариф гуруҳлари бўйича айланма ведомостни юритиш;
- д) жарима санкциялари бўйича айланма ведомостни юритиш;
- е) ишлаб чиқарилган, олинган ва сотилган электр энергияси, шунингдек асосий фаолият бўйича бошқа даромадлар балансини тузиш.

20. Энергия билан таъминловчи ташкилот қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) ҳисоб-китоб даври тугагандан кейин беш кун мобайнида, абонент билан биргаликда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олиш билан бир вақтда, ҳисоблагичларнинг тартиб рақамларини ҳамда амалда истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ҳисоботни расмийлаштиради (ушбу Низомга 3-илова), у берилган ва сотилган энергияни ҳисобга олишнинг бирламчи ҳужжати ҳисобланади;

б) истеъмолчи томонидан тақдим этилган, белгиланган шакл бўйича истеъмол қилинган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилади (ушбу Низомга 4-илова). Бунда истеъмолчи учун ҳисоблаб ёзилган умумий сумма қўйидагилардан иборат бўлади:

кўрсатилган қувват учун тўлов суммаси (қўшилган қиймат солиғи билан бирга);

электр тармоқларида исроф бўлган энергияни ҳисобга олган ҳолда шартномада қайд этилган миқдор доирасида истеъмол қилинган актив энергия учун тўлов суммаси (қўшилган қиймат солиғи билан бирга);

шартномадаги миқдордан ортиқча истеъмол қилинган актив энергия учун тўлов суммаси (қўшилган қиймат солиғи билан бирга);

реактив қувват ва энергия учун чегиришлар (устамалар) суммаси (қўшилган қиймат солиғисиз);

жарималар суммаси (кам, ортиқча олганлик, пеня). Электр энергияси учун тўлов ҳужжатлари энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан ҳисоб-китоб даври учун бир марта ёзилади;

в) ҳар ойда ҳисоб-китоб даври тугагандан кейин 5 кун мобайнида хизмат кўрсатувчи банкка конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужжатлар тўпламини тақдим этади;

г) энергия истеъмоли ва истеъмол қилинган энергия учун тўлов тўғрисидаги ҳисобот асосида электр энергияси бўйича айланма ведомостни тўлдиради (ушбу Низомга 5-илова), айланма ведомостни қўлда тўлдиришда ушбу Низомга 5а-иловага мувофиқ шаклдан фойдаланиш лозим. Электр энергияси учун истеъмолчининг тўлов суммаси, маблағларнинг энергия билан таъминловчи ташкилотга тушишига қараб, айланма ведомостга ёзиб борилади;

д) ҳар қайси ҳисоб-китоб ойи учун айланмаларни акс эттириш (тақдим этиш ва тўлаш) ва истеъмолчининг сальдо қолдиқлари учун шахсий варақа бўйича ҳисобни юритади (ушбу Низомга 6-илова).

21. Юқорида кўрсатиб ўтилган бирламчи ҳужжатлар ва айланма ведомост асосида энергия билан таъминловчи ташкилот ҳар ойда, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси томонидан белгиланган муддатларда, лекин ҳисобот даври тугагандан кейин 8 кундан кечикмай (йил чораги учун, ярим йил учун, йил учун) ортиб борувчи яқун билан электр энергияси сотиш балансини тузади (ушбу Низомга 7-илова). Электр энергияси сотиш балансида ҳар қайси ойнинг боши ва охиридаги айланмалар (тақдим этиш ва тўлаш) ҳамда сальдо қолдиқлари акс эттирилади. Балансларнинг ишончилиги ҳар чоракда, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари мавжуд бўлган барча истеъмолчилар томонидан солиштириш далолатномалари билан тасдиқланади.

22. Ҳар ойда, айланма ведомост ва энергияни сотиш баланси асосида, энергия билан таъминловчи ташкилот истеъмолчилар бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида маълумотнома тузади (ушбу Низомга 8-илова), ушбу ҳужжатлар ҳисоб-китоб даври учун корхона молия-ҳўжалик фаолияти балансининг узвий қисми ҳисобланади.

23. Ҳисобга олиш ва берилган электр энергияси ҳажми бўйича ҳисоботларнинг ишончилиги, шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлиги учун жавобгарлик энергия билан таъминловчи ташкилотларнинг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари зиммасига юкланади.

Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Истеъмол қилинган энергия учун ўзаро ҳисоб-китобларни тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлари асосида амалга ошириш намунавий схемаси**



Изоҳ. «Ўзбекэнерго» ДАК корхоналари ҳамда энергия истеъмолчилари ўртасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлар пайдо бўлган ҳолларда икки-уч кун муддатда тижорат банклари кредитлари асосида амалга ошириладиган схемалар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва кимё саноати корхоналари томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун маблағларнинг траншлар бўйича ўтиши намунавий схемаси**



Изох. Пахта, дон ва шоли етиштирувчи хўжаликларга, шунингдек қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотларга етказиб бериладиган электр энергияси учун «Ўзбекэнерго» ДАК корхоналари билан ҳисоб-китоблар траншлар асосида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси схемалари бўйича амалга оширилади.

Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

Мажбурий

Вазирлик, идора: \_\_\_\_\_  
ХХТУТ: \_\_\_\_\_  
Абонентнинг номи: \_\_\_\_\_  
Тўловчи: \_\_\_\_\_  
Манзил: \_\_\_\_\_  
Банк, банкнинг х/р, МФО, СТИР \_\_\_\_\_  
Телефон (факс) \_\_\_\_\_

**20\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойидаги электр энергияси сарфи тўғрисида  
ҲИСОБОТ**

**Кўрсаткич олинган сана — 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_**

Ҳисоблагичнинг завод, инвентар рақами	Ҳисоблаш коэффициенти			Ҳисоблагичларнинг кўрсаткичи		Ҳисоблагичлар кўрсаткичидаги тафовут	Сарфи, КВт. соат	Изоҳ
	Ток трансформатори бўйича (тг)	кучланиш трансформатори бўйича (кт)	умумий	бошлангич	охирги			
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Ҳисоботни тўлдириш тартиби:

1-устун — ҳисоблагичнинг (завод, инвентар) рақами.

2,3,4-устунлар — ток трансформатори ва кучланиш трансформатори асосида белгиланадиган ҳисоблаш коэффициенти.

5,6-устунлар — ҳисоблагичнинг бошлангич кўрсаткичи ва кўрсаткич ёзиб олинган вақтдаги (охирги) кўрсаткичи.

7,8-устунлар — тафовутни ҳисоблаш ва ҳар бир ҳисоблагич бўйича электр энергияси сарфи.

Ҳисобот корхона раҳбари ва бош энергетиги томонидан имзоланади ҳамда корхона муҳри билан тасдиқланади.



Электр энергияси истеъмолчилари ва  
энергия билан таъминловчи ташкилотлар  
ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби  
тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

Мажбурий

### ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБ

20\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи \_\_\_\_\_ ҳисоби.

Шартноманинг тартиб рақами ва тузилган санаси \_\_\_\_\_

Тўловчи \_\_\_\_\_  
(номи)

Тўловчининг х/р \_\_\_\_\_ СТИР \_\_\_\_\_

Тўловчининг банки \_\_\_\_\_ банк коди \_\_\_\_\_

Олувчи: \_\_\_\_\_  
(номи)

Олувчининг х/р \_\_\_\_\_ ИНН \_\_\_\_\_

Олувчининг банки \_\_\_\_\_ банк коди \_\_\_\_\_

Номи	Ўлчов бирлиги	Сарфи	Тарифи	Суммаси
Кўрсатилган актив қувват	кВт.			
*Реактив қувват	кВар.			
Ҳисоблагич рақами	кВт.соат (кВар.соат)			
.....	кВт.соат. (кВар.соат)			
Истеъмолчининг электр узатиш линиясидаги йўқотиши	%			
Истеъмолчининг трансформаторлар- даги йўқотиши	%			
Тарифлар бўйича ҳаммаси	кВт.соат. кВт.соат.			
.....	кВт.соат. кВт.соат.			
Шартномавий миқдори	кВт.соат.			
Жарималар (белгиланганидан ортиқча олиш, кам олиш, пенялар)	кВт.соат. кВт.соат.			
Жами кўрсатилгани	кВар.соат			
ҚҚС учун сумма	сўм			
шу жумладан ҚҚС	сўм			
_____ учун олдиндан тўлов (ой)	сўм			
<b>Жами тўлов учун</b>	сўм			

Бухгалтер \_\_\_\_\_

\*Изоҳлар:

1. Реактив энергия (қуввати) компенсацияси учун чегирмалар (устамалар) бир нукта бўйича 30 минг кВт соатдан ортиқ ўртача ойлик электр энергияси истеъмол қиладиган электрлаштирилган темир йўл ва шаҳар транспортлари (электр кучи билан

тортиш машинаси) мавжуд бўлган саноат ва унга тенглаштириладиган истеъмолчилар билан амалга оширилади.

2. Реактив қувват ва энергия компенсацияси учун чегирмалар (устамалар) реактив қувват ва энергияни ҳисоблаш приборлари кўрсаткичи асосида аниқланади ҳамда максимал юкламанинг 1 квар тўлови ва (ёки) истеъмол қилинган реактив энергиянинг 1 квар. соат учун тўлови сифатида ундирилади.

Электр энергияси истеъмолчилари ва  
энергия билан таъминловчи ташкилотлар  
ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби  
тўғрисидаги низомга  
5-ИЛОВА

### ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БЎЙИЧА АЙЛАНМА ВЕДОМОСТ

Т/р	Истеъмолчининг номи	Давр бошидаги қолдиқ				Ҳисобланган		Тўланган		Давр охиридаги қолдиқ				Олдиндан тўлов	
		кВт. соат	дебет	шу жумладан муддати ўтган қарзлар	кредит	кВт соат	суммаси	кВт соат	суммаси	кВт. соат	дебет	шу жумладан муддати ўтган қарзлар	кредит	белгиланган	тўланган
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16

Ведомостни тўлдириш тартиби:

1-устун — тартиб рақами;

2-устун — корхона — абонентнинг номи;

3—6 устунлар — давр бошидаги қолдиқ, кВт.соат, дебет (шу жумладан муддати ўтган қарзлар) ва кредит, сўмларда кўрсатилади;

7, 8-устунлар — кўрсатилган товар маҳсулотлар, кВт. соат ва сўмларда кўрсатилади;

9, 10-устун — тўлангани — банк кўчирмалари, авизо асосида, протоколлар ва бошқа турдаги тўловлар бўйича пулларнинг тушиши: кВт. соат ва суммаси;

11—14-устунлар — давр охиридаги қолдиқ, дебет (шу жумладан муддати ўтган қарзлар) ва кредит, сўмларда кўрсатилади;

15-устун — олдиндан тўлаш учун белгиланган сумма;

16-устун — амалда олдиндан тўланган сумма.

Электр энергияси истеъмолчилари ва  
энергия билан таъминловчи ташкилотлар  
ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби  
тўғрисидаги низомга  
Ба-ИЛОВА

### ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БЎЙИЧА АЙЛАНМА ВЕДОМОСТ

Т/р	Истеъмол- чининг номи	Давр бошидаги қолдиқ				Гуруҳлар бўйича тарифлар											
		кВт. соат	дебет	шу жумла- дан мудда- ти ўтган қарзлар	кредит	I		Кўрсатилган қувват		II, IV, V		III, X		VI, VIII		IX	
						кВт. соат	сумма	кВт	сумма	кВт соат	сум- маси	кВт соат	суммаси	кВт соат	сум- маси	кВт соат	сум- маси
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
ЖАМИ		Ортиқча олинган- да		Реактив қувват учун чегириш (устама)		Пеня		ҲАММАСИ		ТЎЛАНГАН		Давр охиридаги қолдиқ				Олдиндан тўлов	
кВт соат	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	кВт соат	суммаси	кВт соат	суммаси	кВт соат	дебет, суммаси	шу жумладан муддати ўтган	кредит	белгилан- ган сўм	амалда сўм			
19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33			

Ведомостни тўлдириш тартиби:

- 1-устун — тартиб рақами;
- 2-устун — корхона — абонентнинг номи;
- 3—6-устунлар — давр бошидаги қолдиқ, кВт.соат, дебет (шу жумладан муддати ўтган қарзлар) ва кредит, сўмларда кўрсатилади;
- 7—18-устунлар — кўрсатилган товар махсулотлари, тариф гуруҳлари бўйича кВт соат ва сўмларда киритилади;
- 19, 20-устунлар — кВт соат ва сўмларда товар махсулотлари бўйича жами;
- 21-устун — тафовут, шартномавий микдорни оширганлик учун ҳисобланган сумма;
- 22-устун — реактив қувват компенсацияси учун чегириш ва устама;
- 23-устун — пенялар;
- 24, 25-устунлар — товар махсулотлар бўйича ҳаммаси, кВт. соат ва сўмларда;
- 26, 27-устунлар — тўланган — банк кўчирмалари, авизо асосида, протоколлар ва бошқа турдаги тўловлар бўйича пулларнинг тушиши: кВт. соат ва суммаси;
- 28—31-устунлар — давр охиридаги қолдиқ, дебет (шу жумладан муддати ўтган қарздорлар) ва кредит, сўмларда кўрсатилади;
- 32-устун — олдиндан тўлов учун белгиланган сумма;
- 33-устун — амалда олдиндан тўланган сумма.

Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги низомга  
6-ИЛОВА

### ШАХСИЙ ВАРАҚА

Вазирлик, идора: \_\_\_\_\_  
 ХХТУТ: \_\_\_\_\_  
 Абонентнинг номи: \_\_\_\_\_  
 Манзили: \_\_\_\_\_  
 Банк, банкнинг х/р, МФО, СТИР \_\_\_\_\_  
 Телефон (факс) \_\_\_\_\_  
 20\_\_ йил АБ \_\_\_\_\_ -сон

Сана	Асос (ҳужжат)	Тўлов санаси	ДЕБЕТ (ҳисобланган сўм)	Олдиндан тўлов		Олдиндан тўлов ҳисобидан		Қолдиқларни қайта ҳисоблаш (сўм)	Жами тўлов (сўм)	ДЕБЕТ (сўм)	шу жумладан муддати ўтган қарзлар (сўм)	КРЕДИТ (сўм)
				кВт соат учун (сўм)	кўрсатилган қувват (сўм)	кВт. соат учун (сўм)	кўрсатилган қувват (сўм)					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

Тўлдириш тартиби:

- 1, 2, 3-устунлар — давр (ой), тўлов ҳужжатлари, протоколлар ва бошқа ҳужжатларнинг рақами, тўлов санаси;
- 4-устун — берилган электр энергияси учун ёзилган сумма (актив, реактив), ҳисобланган ой учун шартномавий миқдордан ортиқча олинган электр энергияси учун жарима;
- 5, 6-устунлар — электр энергия (кВт. соат) учун олдиндан тўлов, сўмда, кўрсатилган қувват кВт учун олдиндан тўлов, сўмда;
- 7, 8-устунлар — ҳисобланган давр учун электр энергияси ва кўрсатилган қувват учун олдиндан тўлов чиқариб ташланади;
- 9-устун — қолдиқларни қайта ҳисоблаш — кредит қолдиғи (-) ёки тўланмаган дебет қолдиғи (+);
- 10-устун — ушбу давр учун банкда белгиланган сумма;
- 11-устун — кейинги ойнинг 1 кундаги дебет қолдиғи;
- 12-устун — шу жумладан муддати ўтган қарзлар;
- 13-устун — кейинги ойнинг 1 кундаги кредит қолдиғи.

Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги низомга  
7-ИЛОВА

20\_\_ йил \_\_\_\_\_ учун \_\_\_\_\_ бўйича  
(корхонанинг номи)

**Асосий фаолияти бўйича товар маҳсулотлар ва бошқа даромадлар  
БАЛАНСИ**

Номи	Давр бошидаги қолдиқ			Берилган маҳсулот ҳажми		Тўланган		Давр охиридаги қолдиқ		
	минг кВт. соат	дебет	кредит	минг кВт. соат	суммаси	минг кВт. соат	суммаси	минг кВт. соат	дебет	кредит
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1. Асосий фаолияти бўйича сотиш шу жумладан: — электр энергияси шундан: маиший										
2. Бошқа операция даромадлари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарори бўйича жарималар — шартномадан ортиқча реактив қувват истеъмоли учун устамалар. — бошқалар (пенялар) Жами (1+2)										

Корхона раҳбари \_\_\_\_\_ Ф.И.О.  
М.Ў.

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_ Ф.И.О.

Тўлдириш тартиби:

- 1-устун — номи;
- 2, 3, 4-устунлар — давр бошидаги қарзлар қолдиғи (минг кВт. соат, дебет, кредит);
- 5, 6-устунлар — берилган маҳсулот ҳажми (минг кВт. соат, суммаси);
- 7, 8-устунлар — жорий ой учун тўлов суммаси (минг кВт. соат, суммаси);
- 9, 10, 11-устунлар — давр охиридаги қарзлар қолдиғи (минг кВт. соат, дебет, кредит).

Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги низомга  
8-ИЛОВА

Корхона балансига 2а-илова  
Корхонанинг номи \_\_\_\_\_  
Вилоят, шаҳар \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ тумани Солиқ инспекцияси  
20\_\_ йил \_\_\_\_\_ даги ҳолати бўйича

**Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида  
МАЪЛУМОТНОМА**

минг сўм

Т/р	Вазирликлар, идоралар номи	Қарзлар суммаси, жами		Муддати ўтган қарзлар суммаси, жами	
		Дебиторлик	Кредиторлик	Дебиторлик	Кредиторлик
1	2	3	4	5	6

шу жумладан:					
3 ойдан 1 йилгача		1 йилдан 3 йилгача		3 йилдан ортиқ	
Дебиторлик	Кредиторлик	Дебиторлик	Кредиторлик	Дебиторлик	Кредиторлик
9	10	11	12	13	14

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **461** **Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланилишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Энергия билан таъминловчи ташкилотлар томонидан етказиб берилмаётган ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмол қилинаётган электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини янада такомиллаштириш, берилган электр энергияси учун тўловлар тўлиқ ва ўз вақтида туриши устидан назоратни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 29 сентябрдаги Ф–2047-сон фармойиши билан ташкил этилган Махсус комиссия, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2005 йил 1 январдан бошлаб берилган электр энергияси учун аҳолидан маблағ йиғиш билан шуғулланувчи тузилмалар ва штатдаги лавозимларни қисқартириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси Махсус комиссия билан биргаликда бир ой муддатда энергия билан таъминловчи ташкилотларнинг янги тузилмасини қайта кўриб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин, бунда берилган электр энергияси учун аҳолидан маблағ йиғиш функциялари бекор қилинсин ҳамда уларга электр энергияси учун тўлов ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши устидан назорат қилиш ва истеъмол қилинган электр энергияси учун ҳақ тўланмаган тақдирда истеъмолчиларни тармоқдан узиб қўйиш юклансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг 2008 йилгача бўлган даврда:

истеъмолчиларнинг барча тоифаларида — ташқаридан аралашишга йўл қўймайдиган ва муддати ўтказиб юборилган қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда истеъмолчиларни электр энергияси манбаларидан ўз-ўзидан узиб қўйиш имконини берадиган электр энергиясини ҳисобга олишнинг замонавий приборларини;

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси корхоналарида — истеъмол қилинган электр энергияси масофадан туриб ҳисобга олинишини ҳамда тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши назорат қилинишини таъминлайдиган электр энергияси истеъмолини ҳисобга олишнинг, электр энергиясини сотиш ва тармоқларда узатишда йўқотишларни назорат қилишнинг интеграциялашган компьютер тизимларини босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига ҳозирги вақтда фойдаланилаётган ҳисобга олишнинг индукцияли приборлари 2005—2008 йиллар мобайнида тўлиқ алмаштирилишини таъминлайдиган электр энергияси ҳисобини масофадан туриб бошқаришнинг замонавий электрон приборларини маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқиш дастурини киритсинлар.

3. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва қишлоқ туманлари ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

қайта ташкил этилган ширкатларнинг насосларини сувдан фойдаланувчилар



уюшмаларига ёки насослардан якка тартибда фойдаланувчи фермер хўжаликларига беришни бир ой муддатда тугалласин, кейинчалик ширкатлар қайта ташкил этилганда эса мажбурий тартибда бир ой муддатда бир вақтнинг ўзида янги фойдаланувчилар билан шартномалар тузган ҳолда насосларнинг тегишли равишда берилишини амалга оширсин;

қайта ташкил этилган ширкатлар худудидаги электр тармоқлари энергия билан таъминловчи ташкилотларга берилишини 2005 йил 1 мартгача бўлган муддатда амалга оширсин, илгари ширкатлар орқали ҳисоб-китоб қиладиган барча уй хўжаликларидан ҳисобга олиш приборлари ўрнатилишини таъминласин, улар билан электр энергиясидан фойдаланишга якка тартибдаги шартномалар тузсин;

хатлов натижалари бўйича 2005 йил 1 июлгача бўлган муддатда барча насослар ва насос станциялари ҳисобга олишнинг замонавий приборлари ва тизимлари билан жиҳозланишини таъминласин.

Белгилансинки, ҳисобга олиш приборлари ўрнатилмасдан ерларни суғориш учун фойдаланиладиган насослардан фойдаланиш ҳолати мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий ва жиноий жавобгарликнинг тегишли чора-тадбирлари қўлланилган ҳолда электр тармоқларига рухсат берилмаган уланишга тенглаштирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

шартномалар тузилишини ҳамда барча йирик насос станцияларининг ажратилган бюджет лимитларига қатъий мувофиқ равишда энергия истеъмоли устидан назоратни таъминласин;

ускуналарнинг энергия сарфини камайтириш мақсадида уч ой муддатда Насос хўжалигини замонавийлаштириш дастурини ишлаб чиқсин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги раҳбарлари (Жалолов) насос станциялари муассасалари томонидан энергия истеъмолининг бюджет лимитларидан ортиқча сарфланиши учун шахсан жавоб бериши тўғрисида огоҳлантирилсин.

5. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда компания корхоналарида, улар даромадлари ва харажатлари алоҳида ҳисобга олинишини, ҳисобга олишнинг бирхиллаштирилишини, компания балансини жамлаш имкониятини таъминловчи ҳисобга олишнинг асосий қоидаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда икки ой муддатда электр энергиясини тармоқларда узатишда технологик йўқотишларнинг асосланган нормативларини ишлаб чиқишга ва электр энергияси оқимлари ҳисобининг интеграциялашган компьютер тизимини 2005 йилда жорий этишга техник топшириқни тасдиқласин.

7. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси тизимининг раҳбар кадрларини ва мансабдор шахсларини аттестациядан ўтказиш учун иловага\* мувофиқ таркибда комиссия тузилсин.

Комиссия:

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси тизимининг компаниянинг молия-иқтисодий фаолияти учун масъул бўлган раҳбар кадрларини ва мансабдор шахсларини икки ой муддатда аттестациядан ўтказсин;

молия ва банк тизимларидан малакали кадрларни тизимга жалб этиш ҳисобига «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси иқтисодий хизматларини ва унинг худудий бўлинмаларини мустаҳкамласин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси

---

\* Илова берилмайди.

Бош вазирининг ўринбосарлари Ў.Т. Султонов ва Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 1 ноябрь,  
512-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**462** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 12 августдаги 387-сон ва «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев**

Тошкент ш.,  
2004 йил 3 ноябрь,  
518-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 3 ноябрдаги 518-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» 2002 йил 6 майдаги 154-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 5-сон, 24-модда) 1-бандининг иккинчи хатбоши ва 3-банди ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги 330-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 68-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидаларининг 64-бандига «ҳамда унда» сўзларидан кейин «рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ инспекцияси томонидан берилган импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картаси, шунингдек» сўзлари қўшилсин.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**463 Ўзбекистон Республикасида кабель, эфир-кабель телевидениеси тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
30 октябрда 1420-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 9 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўрсатувларни узатиш бўйича хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқиш, эгалик қилиш, тарқатиш, трансляция қилиш, тарқатиш, трансляция (ретрансляция) қилишда кабель, эфир-кабель телевидениеси соҳаларида фаолиятни амалга ошираётган хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида **қарор қиламиз:**

1. «Ўзбекистон Республикасида кабель, эфир-кабель телевидениеси тўғрисида»ги вақтинчалик низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин;

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилганидан ўн кун муддат ўтгандан кейин кучга киради.

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги  
Бош директори Р. ШОҒУЛОМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 октябрь,  
01-1026-сон

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги  
Бош директори в.в.б. А. ИЗБОСАРОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 октябрь,  
350-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**464** Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ  
хўжалик маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жам-  
гармаси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
1 ноябрда 612-З-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 11 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги 376-сонли «Ўздонмахсулот» давлат-акциядорлик корпорациясини «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2004 й., 31-сон, 358-модда) қарорининг 11-бандига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан 1999 йил 28 январда тасдиқланган 10-сонли ва 116-В-сонли «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамгармаси тўғрисидаги низом» (1999 йил 28 январь, рўйхат рақами 612) нинг бутун матни бўйича «Ўздонмахсулот ДАК» сўзлари «Ўздонмахсулот АК» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 октябрь,  
112-сон

**Марказий банк Бошқаруви раиси в.в.б. М. ЖУМАГАЛДИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 октябрь,  
116-В-3

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**465** Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва гуруч-шолига Жамғарма томонидан аванс бериш ва ҳисоб-китоб қилиш учун ажратиладиган маблағларни қайтариш учун дон маҳсулотлари корхоналарининг ғалла, ун ва гуруч-шолини сотишдан тушаётган маблағларини аккумуляция қилиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
1 ноябрда 653-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 11 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги 376-сонли «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорациясини «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2004 й., 31-сон, 358-модда) қарорининг 11-бандига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан 1999 йил 8 февралда тасдиқланган 10-01-сонли ва 111-В-сонли «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва гуруч-шолига Жамғарма томонидан аванс бериш ва ҳисоб-китоб қилиш учун ажратиладиган маблағларни қайтариш учун дон маҳсулотлари корхоналарининг ғалла, ун ва гуруч-шолини сотишдан тушаётган маблағларини аккумуляция қилиш тартиби»га (1999 йил 27 февраль, рўйхат рақами 653) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 октябрь,  
113-сон

**Марказий банк Бошқаруви раиси в.в.б. М. ЖУМАГАЛДИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 октябрь,  
111-В-4

Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 15 октябрь 113,  
111-В-4-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва гуруч-шолига Жамғарма томонидан аванс бериш ва ҳисоб-китоб қилиш учун ажратиладиган маблағларни қайтариш учун дон маҳсулотлари корхоналарининг ғалла, ун ва гуруч-шолини сотишдан тушаётган маблағларини аккумуляция қилиш тартибига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Тартибнинг бутун матни бўйича «Ўздонмаҳсулот» ДАК» сўзлари «Ўздонмаҳсулот» АК» сўзлари билан алмаштирилсин.
2. Мазкур ўзгартиришлар «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси билан келишилган.

**«Ўздонмаҳсулот» АК Бошқарув раиси Э. ҚУДРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 14 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**466** Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси маблағлари ҳисобидан ғалла ва гуруч-шолига аванс беришда аванс тўловларини амалга ошириш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
1 ноябрда 656-З-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 11 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги 376-сонли «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорациясини «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2004 й., 31-сон, 358-модда) қарорининг 11-бандига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан 1999 йил 23 февралда тасдиқланган 10-03-сонли ва 114-В-сонли «Давлат эҳтиёжла-

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

ри учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси маблағлари ҳисобидан ғалла ва гуруч-шолига аванс беришда аванс тўловларини амалга ошириш тартиби»га (1999 йил 1 март, рўйхат рақами 656) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 октябрь,  
114-сон

**Марказий банк Бошқаруви раиси в.в.б. М. ЖУМАГАЛДИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 октябрь,  
114-В-3

Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 15 октябрь 114,  
114-В-3-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси маблағлари ҳисобидан ғалла ва гуруч-шолига аванс беришда аванс тўловларини амалга ошириш тартибига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Тартибнинг бутун матни бўйича «Ўздонмаҳсулот» ДАК» сўзлари «Ўздонмаҳсулот» АК» сўзлари билан алмаштирилсин.
2. Мазкур ўзгартиришлар акциядорлик-тижорат «Ғаллабанк» билан келишилган.

**АТ «Ғаллабанк» Бошқаруви раиси И. ЎРИНБОЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 14 октябрь



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**467** Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси маблағлари ҳисобидан ғалла ва гуруч-шоли учун якуний ҳисоб-китобларда тўловларини амалга ошириш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
1 ноябрда 657-З-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 11 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги 376-сонли «Ўздонмахсулот» давлат-акциядорлик корпорациясини «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2004 й., 31-сон, 358-модда) қарорининг 11-бандига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан 1999 йил 23 февралда тасдиқланган 10-04-сонли ва 115-В-сонли «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси маблағлари ҳисобидан ғалла ва гуруч-шоли учун якуний ҳисоб-китобларда тўловларини амалга ошириш тартиби»га (1999 йил 1 март, рўйхат рақами 657) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 октябрь,  
115-сон

**Марказий банк Бошқаруви раиси в.в.б. М. ЖУМАГАЛДИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 октябрь,  
115-В-3

Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 15 октябрь 115, 115-В-3-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси маблағлари ҳисобидан ғалла ва гуруч-шоли учун якуний ҳисоб-китобларда тўловларини амалга ошириш тартибига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Тартибнинг бутун матни бўйича «Ўздонмаҳсулот» ДАК» сўзлари «Ўздонмаҳсулот» АК» сўзлари билан алмаштирилсин.
2. Мазкур ўзгартиришлар акциядорлик-тижорат «Ғаллабанк» билан келишилган.

**АТ «Ғаллабанк» Бошқаруви раиси И. ЎРИНБОЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 14 октябрь

«ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР  
ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**468 Сайёҳларнинг Ўзбекистон Республикасига келиши ва кетиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 3 ноябрда 1421-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 13 ноябрдан кучга киради)*

«Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 июлдаги «Ўзбектуризм» миллий компанияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 360-сонли қарори ва туризмга тааллуқли бўлган бошқа амалдаги меъерий ҳужжатларга мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасига чет эллик туристларни кириб келиши ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элга сайёҳ сифатида сафар қилиш тўғрисидаги қоидаларини тартибга солиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида «Ўзбек-

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

туризм» миллий компанияси, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. «Сайёҳларнинг Ўзбекистон Республикасига келиши ва кетиши тартиби тўғрисидаги» Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 7 март, 908-сон билан рўйхатга олинган «Туристлик гуруҳларни хорижга юборишнинг вақтинчалик тартиби» ва 2004 йил 19 май, 1357-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасининг туристик ташкилотлари томонидан чет эллик туристларни қабул қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлар бекор қилинсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб 10 кундан кейин кучга киради.

**«Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Б. ХУСАНБОЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 13 сентябрь,  
23-сон

**Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 29 октябрь,  
9/1005-сон

**Ички ишлар вазири З. АЛМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 27 сентябрь,  
7-сон

**Фавқулодда вазиятлар вазири Б. СУБАНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 сентябрь,  
1/5/4-622-сон

«Ўзбекитуризм миллий компаниясининг 2004 йил 13 сентябрдаги 23-сон, Миллий хавфсизлик хизматининг 2004 йил 29 октябрдаги 9/1005-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2004 йил 27 сентябрдаги 7-сон, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2004 йил 15 сентябрдаги 1/5/4-622- сонли қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН

### **Сайёҳларнинг Ўзбекистон Республикасига келиши ва кетиши тартиби тўғрисидаги НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 июлдаги 360-сон қарорига мувофиқ, туризмга тааллуқли бошқа амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасида туристик экскурсияларни амалга ошириш вақтида кафолатланган хизматлар кўрсатиш ва сайёҳларни чет эл сафарига боришларини расмийлаштириш тартибини ҳамда чет эллик сайёҳларни қабул қилиш жараёнида ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эл сафарларига бориши чоғида ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хавфсизликларини таъминлаш, турар жойларини кафолатланиши ҳамда чет эл сафаридан ўз вақтида қайтишлари мақсадида ишлаб чиқилган.

#### **I. Чет эллик сайёҳларни қабул қилиш тартиби**

1. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, туристик ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келаётган чет эллик сайёҳлар ҳақидаги иловага мувофиқ маълумотномани улар кириб келишларидан 5 кун олдин «Ўзбекитуризм» миллий компаниясига тақдим этадилар.

2. Маълумотномада қўйидагилар кўрсатилиши лозим:

а) кириб келаётган сайёҳлар сони, улар қайси давлатдан келаётганлиги ва қабул қилаётган ташкилотдан ҳамроҳ бўлиб борувчи шахс тўғрисида маълумот;

б) транспорт воситасининг давлат рақами;

в) Ўзбекистон ҳудудида яшаш ва овқатланиш жойлари кўрсатилган ҳолда, сайёҳларнинг ҳаракат қилиш маршрут ва муддатлари.

3. Сайёҳларни қабул қилувчи туристик ташкилотлар сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш ва содир бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қўйидагиларни амалга оширади:

а) аэропорт, вокзал ва бошқа кириш жойларида чет эллик сайёҳларни кутиб олиш, маълумотномада кўрсатилган меҳмонхоналарга жойлаштириш ва тегишли расмийлаштириш ишларини амалга ошириш;

б) барча йўналишларда саёҳат тугагунча сайёҳларни кузатиб бориш;

в) сайёҳларни республика ҳудудида белгиланган муддат давомида бўлиши ва белгиланган муддат тугагандан сўнг республика ҳудудидан ўз вақтида чиқиб кетишларини таъминлаш;

г) хавф-хатар манбалари бўлган ҳудудларга чет эллик сайёҳларни олиб чиқишларидан олдин, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли бошқармаларидан бахтсиз ҳодисалар ёки хавф-хатарлар келиб чиқиши мумкин бўлиши ёки бўлмаслиги юзасидан тегишли маълумотларни олиш;

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

д) рухсат этилган хавфсиз йўналишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли ҳудудий бошқармаси билан келишилган ҳолда белгиланган хавфсиз йўналиш бўйича саёҳат қилишни таъминлаш;

е) белгиланган йўналишнинг хусусияти ва сайёҳларнинг хатти-ҳаракатига боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатар манбалари ҳақида уларнинг ўзини хабардор қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш;

ж) зарур ҳолларда, чет эллик сайёҳлар ҳақидаги маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиш;

з) чет эллик сайёҳлар томонидан чегара ҳудудидан ўтиш вақтида белгиланган тартибга риоя қилинишида тегишли давлат органларига кўмаклашиш.

4. Қабул қилувчи туристик ташкилот чет эл сайёҳлари билан хавфсизлик чораларига риоя этишлари, Ўзбекистон Республикасида бўлиш тартиби, экологик хавфсизлик талаблари, миллий урф-одатларга ҳамда санитария-гигиена қоидаларига амал қилишлари тўғрисида тегишли тушунтириш ишларини ўтказди.

## **II. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элга сайёҳ сифатида юбориш тартиби**

5. Сайёҳларни чет эл сафарига юбориш «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан келишилгандан сўнг амалга оширилади. Туристтик ташкилот томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

сайёҳлар рўйхати, гуруҳ раҳбари кўрсатилган ҳолда (рўйхат сайёҳларни жўнатиш вақтидан камида 3 иш куни олдин топширилиши лозим);

қабул қилаётган давлат визаси;

сайёҳларга тақдим этилган туристик йўлланма;

авиачипта;

сайёҳлар суғурта қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат (суғурта полиси);

сайёҳларни чет эл сафарига юборувчи Ўзбекистон Республикаси туристик ташкилотининг чет элдаги ҳамроҳининг сайёҳларга кафолатланган хизмат кўрсатишини тасдиқловчи ҳужжат;

6. «Ўзбектуризм» миллий компанияси туристик ташкилот тақдим этган ҳужжатлар асосида ҳужжат топширилган кундан 2 кун муддатда ҳужжат топширган туристик ташкилот сайёҳларни чет элга юборишига ўз розилигини ёки асосланган равишда рад жавобини беради.

Куйидаги ҳолларда туристик ташкилотларга рад жавоби берилиши мумкин:

туризм соҳасида фаолият кўрсатишга рухсат берувчи лицензияси мавжуд бўлмаса;

чет эллик ҳамкорлари билан имзоланган шартнома муддати тугаган ёки шартномаси бўлмаган тақдирда;

сохта ҳужжатлар тақдим этганда.

7. Туристтик ташкилот раҳбари сайёҳлар чет эл сафарларидан қайтганларидан сўнг бир ҳафта ичида, «Ўзбектуризм» миллий компаниясига сайёҳларни қайтганлиги тўғрисида маълумот тақдим этади.

8. Туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Сайёҳларнинг Ўзбекистон Республикасига  
келиши ва кетиши тартиби  
тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

### МАЪЛУМОТНОМА

#### Ўзбекистон Республикасига кириб келаётган туристик гуруҳ (якка сайёҳ) тўғрисида

Берилган рақам \_\_\_\_\_

1. Туристтик фирма \_\_\_\_\_  
туристик фирманинг тўлиқ номи лицензияси

2. Гуруҳ келган куни \_\_\_\_\_  
каердан келган

3. Сайёҳлар сони \_\_\_\_\_

4. Қабул қилаётган ташкилотдан ҳамроҳ бўлиб борувчи шахс тўғрисида маълумот \_\_\_\_\_

5. Транспорт воситасининг давлат рақами \_\_\_\_\_

6. Туристтик гуруҳининг (якка сайёҳ) қайси шаҳарларда тўхташи ва муддатлари, меҳмонхоналар номлари ва умумий овқатланиш жойлари тафсилоти билан

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтиш жойи \_\_\_\_\_

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2004 йил 30 октябрдан 5 ноябргача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Ўзбекистон Республикасида кабель, эфир-кабель телевидениеси тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2004 йил 29 октябрдаги 01-1026, 350-сонли қарори.*

**2004 йил 30 октябрда 1420-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 9 ноябрдан кучга киради).**

2. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 15 октябрдаги 112, 116-В-3-сон қарори.*

**2004 йил 1 ноябрда 612-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 11 ноябрдан кучга киради).**

3. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва гуруч-шолига Жамғарма томонидан аванс бериш ва ҳисоб-китоб қилиш учун ажратиладиган маблағларни қайтариш учун дон маҳсулотлари корхоналарининг ғалла, ун ва гуруч-шолени сотишдан тушаётган маблағларини аккумуляция қилиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 15 октябрдаги 113, 111-В-4-сон қарори.*

**2004 йил 1 ноябрда 653-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 11 ноябрдан кучга киради).**

4. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси маблағлари ҳисобидан ғалла ва гуруч-шолига аванс беришда аванс тўловларини амалга ошириш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 15 октябрдаги 114, 114-В-3-сон қарори.*

**2004 йил 1 ноябрда 656-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 11 ноябрдан кучга киради).**

5. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси маблағлари ҳисобидан ғалла ва гуруч-шолни учун якуний ҳисоб-китобларда тўловларни амалга ошириш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 15 октябрдаги 115, 115-В-3-сон қарори.*

**2004 йил 1 ноябрда 657-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 11 ноябрдан кучга киради).**

6. «Сайёҳларнинг Ўзбекистон Республикасига келиши ва кетиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг 2004 йил 13 сентябрдаги 23-сон, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг 2004 йил 29 октябрдаги 9/1005-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2004 йил 27 сентябрдаги 7-сон, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2004 йил 19 сентябрдаги 1/5/4-622-сонли қарори.

**2004 йил 3 ноябрда 1421-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 13 ноябрдан кучга киради).**

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Туристтик гуруҳларни хорижга юборишнинг вақтинчалик тартиби. «Ўзбектуризм» Миллий компанияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган (2000 йил 7 март, рўйхат рақами 908).

**Адлия вазирининг 2004 йил 3 ноябрдаги 216-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикасининг туристик ташкилотлари томонидан чет эллик сайёҳларни қабул қилиш қоидалари. «Ўзбектуризм» Миллий компанияси, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган (2004 йил 19 май, рўйхат рақами 1357).

**Адлия вазирининг 2004 йил 3 ноябрдаги 216-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**